



ISSN 2181-9491
Doi Journal 10.26739/2181-9491

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

№4 (2018)



TOSHKENT-2018

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491>

**Иқтисодиётда инновация журналі/Журнал инновации в экономике/
Journal of innovation in economics**

№4 (2018) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4>

**Бош мухаррир
Главный редактор
ChiefEditor**
академик
Гулямов Сайдахарар
Саидахмедович

**Бош мухаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy ChiefEditor**
**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy in Economical Science)**
Вохидова Мехри Хасановна

**"Иқтисодиётда инновация" журналі тахририй маслахат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics
Международный редакционный совет журнала "Инновации в экономике"**

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси./Экономическая теория./Economictheory.

И.ф.д. Назаров Ш.Х.

Сайфуллаева М.

Маматкулов И.А.

Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University.

Faculty of EconomicsNanuli Khizanishvili

08.00.02-Макроиқтисодиёт./Макроэкономика./Macroeconomics

И.ф.д.Худайназаров А.К.

PhD. Валиев Б.

Сафарова Н.Н. Доктор туристических наук,

Телавский государственный университет (Грузия) Зубиташвили Тамар

08.00.09 - Жаҳон иқтисодиёти./Мировая экономика./Worldeconomy

И.ф.д., профессор, Мурадова Х.М.

И.ф.д. Шарифхўжаев Ш.О.

И.ф.н.Сардор Азам

PhD. Вохидова М.Х.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти./Демография. Экономика труда./Demography.
Labor Economics**

08.00.13-Менежмент./Менеджмент./Management

академик Гулямов С.С.

И.ф.д., профессор, Умурзаков Б.Х.

Каршиев М.Э.

Маматкулов И.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригий, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENTS

1. Хамраев Асқар. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	4-8
2. Қодирова Зулайхо, Абдуллаева Шахноза. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АВСТРАЛИЯ МЕҲНАТ БОЗОРИ МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	9-15
3. Умурзаков Баходир, Қорабоев Нуриддин. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДАГИ АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛАРНИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ.....	16-20
4. Turdieva Muqaddas Umarovna. ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОН САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ...21-26	
5. Абдуллаева Ш. З., Иброхимов И. Ш., Хасанбоева М. В. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ.....	27-33
6. А.А.Темиров. ИСЛОМИЙ БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	34-41
7. Халилов Мухриддин. АФРИКА МИНТАҚАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДЕМОГРАФИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	42-10
8. Қодирова Зулайхо, Раимбоева Машхура. АҚШ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	48-54
9. Muminova Maftuna. ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	55-59

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Хамраев Асқар Мухитдинович,

мустақил тадқиқотчи
asqar-8828@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-1>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА
ОРГАНЛАРИДА ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг ўсиш даражаси, божхона органларида хавф тушунчаси, Ўзбекистон чегараси орқали ҳаракатланаётган фуқаролар сони ортиши, божхона органларида хавфни бошқариш тизимини жорий этиш масалалари таҳлил қилинади. Шунингдек айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари келтирилган.

Калит сўзлар: Ташқи савдо айланмаси, экспорт, импорт, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, хавф, божхона назорати, хавфни бошқариш тизими, "қизил" йўлак, "яшил" йўлак, "сариқ" йўлак, "кўк" йўлак, хавф профили.

Хамраев Асқар Мухитдинович,

независимый исследователь
asqar-8828@mail.ru

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ
УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНАХ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье анализируется уровень роста внешней торговли Республики Узбекистан, понятие "риск" в таможенной службе, увеличение числа граждан, перемещающихся через границу Узбекистана, внедрение системы управления рисками в таможенных органах. А также некоторые проблемы и их решения.

Ключевые слова: Внешнеторговый оборот, экспорт, импорт, Всемирная таможенная организация, риск, таможенный контроль, система управления рисками, "красный" коридор, "зеленый" коридор, "желтый" коридор, "синий" коридор, профиль риска

PROBLEMS AND PROSPECTS OF IMPLEMENTATION RISK MANAGEMENT SYSTEM IN THE CUSTOMS AUTHORITIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: The article analyzes the growth rate of foreign trade turnover of the Republic of Uzbekistan, the concept of "risk" in the customs service, an increase in the number of citizens moving across the border of Uzbekistan, the introduction of a risk management system in customs authorities. As well as some problems and their solutions.

Key words: foreign trade turnover, export, import, World customs organization, risk, customs control, risk management system, red corridor, green corridor, yellow corridor, blue corridor, risk profile

For citation: Хамраев Асқар Муҳиддинович. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 4-8

Кириш

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви ва жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг кўпайиши республикага кириб келаётган ва чиқиб кетаётган товарлар, транспорт воситалари ва фуқаролар сонининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса божхона органларига мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда назорат қилишнинг янгича шаклларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Президентимиз томонидан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича "яшил" ва "қизил" йўлак тизимини амалиётга татбиқ этиш вазифаси юклатилган эди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоьлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга доир Давлат дастури" тўғрисидаги 5308-сонли фармонида Божхона назоратида хавфни бошқариш тизими(ХБТ)ни жорий қилиш бўйича ишларни амалга ошириш келтириб ўтилган.

Мазкур ишларни амалга оширилишини шартли равишда уч босқичга бўлишимиз мумкин.

Биринчи босқичда республикаимиз чегара божхона постлари орқали ҳаракатлаётган фуқаролар учун "яшил" ва "қизил" йўлаклар жорий этилди[1].

"Яшил" йўлак - кириб келиш ва чиқиб кетиш жойларида махсус белгиланган, жисмоний шахсларнинг қўл юки ва кузатиб борилаётган багаждаги товарларни божхона чегарасидан олиб ўтиши учун мўлжалланган жой.

"Қизил" йўлак - кириб келиш ва чиқиб кетиш жойларида махсус белгиланган, жисмоний шахсларнинг ёзма шаклда декларацияланиши лозим бўлган қўл юки ва кузатиб борилаётган багаждаги товарларни, шунингдек декларацияланиши жисмоний шахснинг ихтиёрига кўра амалга ошириладиган товарларни божхона чегарасидан олиб ўтиши учун мўлжалланган жой.

Иккинчи босқичда, ХБТ мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари учун жорий этилди. Бунинг учун мавжуд маълумотлар асосида хавф профиллар шакллантирилади.

Хавф профили - хавф соҳаси, хавф индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси, шунингдек хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон қадар камайтириш бўйича зарур чораларни қўриш тўғрисидаги кўрсатмалар[2].

Учинчи босқичда, божхона хизмати томонидан белгиланган талабларга жавоб берувчи ташқи иқтисодий фаолият субъектларига Ваколатли иқтисодий операторлар (ВИО) мақоми берилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мазкур тизим мамлакатимизда янги бўлганлиги сабабли етарли даражада тадқиқодлар олиб борилмаган. Хорижлик тадқиқодчилар, жумладан А.А.Бухмастов, Е.А.Гусихина ва А.Н.Петровлар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

А.А.Бухмастов фикрича "Хавфни бошқариш - божхона назоратининг замонавий тамойили бўлиб, божхона органлари ресурсларидан оптимал фойдаланган ҳолда, самардорликни камайтирмасдан, ортиқча бюрократизмдан ТИФ иштирокчиларини озод қилишни назарда тутди".

Шунингдек ХБТнинг элементлари сифатида қўйидагиларни келтиради:

1. Божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товар, транспорт воситалари ва шахслар ҳақида ахборотларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш;

2. Хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

3. Хавфни бошқариш бўйича чораларни амалга ошириш;

4. Қабул қилинган чораларни умумлаштириш ва тақлифлар тайёрлаш.

Шу билан бирга А.А.Бухмастов ушбу тизимда асосий муаммо 1-элементда эканлигини кўрсатади. Хусусан хавф профилини ишлаб чиқиш учун етарли даражада маълумотнинг мавжудлиги ва уни профил даражасига олиб чиқиш учун кетадиган маъмуриятчиликни келтириб ўтади[3].

ХБТ бўйича тадқиқод олиб борган Е.А.Гусихина фикрича хавф - бу божхона тўғрисидаги нормаларга риоя этилмаслигининг эҳтимолиги. Шунингдек божхона органларида хавфни икки тури мавжуд эканлигини ажратиб кўрсатади:

- Аниқланган хавф - божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлигидан ва божхона органлари ушбу ҳолат тўғрисида маълумотга эга эканлигидан далолат берувчи факт ҳисобланади.

- Потенциал хавф - аниқланмаган, лекин унинг юзага келиши учун шароитлар мавжуд бўлган хавф [4].

Шунингдек россиялик иқтисод фанлари номзоди, доцент А.Н.Петрова томонидан ХБТни божхона назорати жараёнларига жорий этиш бўйича илмий иш олиб борилган. Унинг ўзига хослиги шундан иборатки, ХБТ объектларини алоҳида ажратиб кўрсатади, яъни:

1. Божхона назорати остидаги товарлар;

2. Халқаро ташувларни амалга оширувчи транспорт воситалари;

3. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича шартнома ҳақидаги маълумотлар;

4. Транспорт, божхона, товарлар ва савдо бўйича маълумотлар;

5. Божхона расмийлаштируви бўйича шахсларнинг фаолияти;

6. Божхона назоратини қўллаш натижалари[5].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шунни айтиш мумкинки, ХБТда биргина божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарларни ҳақидаги маълумотларга асосланиб


текшириш назарда тутилмайди, балки кенгроқ қараш лозим. Хусусан маҳсулотлар ташилаётган транспорт воситалари, юк эгаси, шартнома, олдин амалга оширилган назорат натижалари, бозор ҳақидаги маълумотларни комплекс сифатида ўрганиш лозим.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг услубий асоси бўлиб, тизимли ёндашув олинган, шу билан бир қаторда, тадқиқот жараёнида экспертлар сўрови, омили, тушунчавий, қиёсий ва статистик таҳлилдан фойдаланилган. Бу методлардан тадқиқот жараёнининг барча этапларида фойдаланиб керакли хулосалар чиқаришга асос бўлган.

Таҳлил ва натижалар

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасини қўйидагини ташкил этмоқда.




1-диаграмма. Ўзбекистон экспорти ва импорти (млн АҚШ доллари)[6]

Республика ташқи савдо айланмаси 2016 йилда 24309 млн АҚШ долларини (шундан экспорт 12178,7 млн ва импорт 12130,7 млн), 2017 йилда 26962 млн АҚШ долларини (шундан экспорт 13953,8 млн ва импорт 13008,3 млн) ва 2018 йилда 30864 млн АҚШ долларини (шундан экспорт 12324 млн ва импорт 18540 млн) ташкил этган. Бундан эса йиллар кесимида ташқи савдо ўсиш қайт этилаётганини кўриш мумкин.

Юқоридагилардан яна шуни айтиш мумкинки, йиллар ўтгани сайин республика орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари ҳаракати ортиб бормоқда. Буни эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувидан дарак бермоқда десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган фуқароларни қўйида кўришимиз мумкин.



2-диаграмма.Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган фуқаролар (минг киши) [7]

Юқоридаги диаграммадан кўришимиз мумкинки, йиллар кесимида фуқаролар ҳаракати ортиб бормоқда. Уларнинг асосий қисми савдо, туризм ва минграция сифатида ҳаракатланган.

Бу кўрсаткичлар ўз навбатида чегара орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларини тезкор тартибга солиш ҳамда божхона назоратида замонавий ёндашувларни жорий этиш заруратини кўрсатади. Бундай вазифаларни оптимал ечими эса хавфни бошқариш тизими ҳисобланади.

Таҳлил давомида тизимли ёндашувдан фойдаланилди ва хавфни бошқариш маълум тизим сифатида ўрганилиб, унинг самарали ишлашига қўйидаги омиллар салбий таъсир этиши аниқланди:

Биринчидан, маълумот сифат даражаси, яъни ўз вақтида тадбир этилиши, ишончли манбаалардан олиниши, ҳақиқатга мослиги, янгиланиши келтириш мумкин. Чунки товарларни хавф гуруҳига кириши ёки кирмаслиги маълумотлар таҳлили натижасида аниқланади.

Иккинчидан, божхона ходимларининг билим даражаси. Чунки хавф профилларни ишлаб чиқиш, мавжуд маълумотларни тўғри баҳолаш ва таҳлил этишда кадрлар салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, норматив ҳуқуқий база. Албатта, ҳар қандай амалга оширилаётган ислохотлар учун биринчи навбатда ҳуқуқий асос ишлаб чиқилиши лозим. Бунда вазифалар, мажбуриятлар ва жавобгарлик масалалари кўрсатиб ўтилади.

Тўртинчидан, божхона органлари электрон ахборот тизими ишлаш даражаси. Барча маълумотлар ўрганилиб керакли шаклга келтирилгач, электрон дастурга киритилади. Шундан сўнг барча вазифалар дастур томонидан бажарилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган очиқ сиёсат сабабли хорижий мамлакатлар билан турли соҳаларда алоқалар ривожланиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизга ташриф буюраётганлар сонини ортишини ва мамлакатимиз чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳажми ошишини келтириб чиқармоқда.

Бу эса божхона органлари олдида мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланган ҳолда сифатли божхона назоратини олиб боришни қўймоқда. Бу ҳолатда ХБТни жорий этиш энг оптимал ечим ҳисобланади.

Шунингдек ушбу тизимни самарали фаолият олиб бориши учун биринчи навбатда норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш керак. унда бажарилиши лозим вазифалар келтирилади. Иккинчи босқичда эса жавобгарлик масалалари киритилади. Чунки тарқатишга руҳсат этилмаган маълумотларнинг чиқиш кетиши натижасида ишлаб чиқилган профиллар ўз самарасини кўрсатмайди.

Шу билан биргаликда, божхона ходимларининг билим даражасини ошириб бориш бўйича ишларни йўлга қўйиш керак. маълумотларни олиш, ўрганиш, қайта ишлаш ақлий жараён ҳисобланади ва мавжуд билимларга таянади.

References:

-
- [1] Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from October 11, 2017, №. 814;
 - [2] Article 204, Customs Code of the Republic of Uzbekistan;
 - [3] Buxmastov A.A. Analysis of the application of the risk management system during customs control // Customs and foreign economic activity of companies, 2017; №9;
 - [4] Gusixina E.A. Risk system management during customs control // Abstract- Stravopol, 2010;
 - [5] Petrova A.N. Introducing a risk management system into the customs control process // Economic sciences. 2017, №62-2;
 - [6] Official web-site of the State Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan(www.stat.uz);
 - [7] Based on the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Қодирова Зулайхо Абдухалимовна,

PhD,

Абдуллаева Шахноза Абдуллаевна

ТошДШИ, ТИФ I-курс магистранти
abdullaeva.shakhnoza@inbox.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-2>

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АВСТРАЛИЯ МЕҲНАТ
БОЗОРИ МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола глобаллашув шароитида халқаро меҳнат бозоридаги тенденциялар ва унда Ўзбекистоннинг иштироки масалаларига бағишланган. Илмий мақолада Австралияда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, мазкур жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувининг замонавий йўналишлари билан боғлиқ масалалар атрофида таҳлил қилинган ва бу борадаги зарур ҳудосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, халқаро меҳнат бозори, миграция, меҳнат мигранти, пул ўтказмалари, Ўзбекистонлик мигрантлар, ноқонуний миграция, мигрантлар оқими, интеграция.

Қодирова Зулайхо Абдухалимовна,

Научный руководитель: к.э.н.

Абдуллаева Шахноза Абдуллаевна

Ташкентский государственный институт
востоковедения, магистр I курса

ОСОБЕННЫЕ ЧЕРТЫ МОДЕЛИ РЫНОЧНОГО ТРУДА
АВСТРАЛИИ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Аннотация: Данная статья посвящена тенденциям на международном рынке труда в условиях глобализации и вопросам участия Узбекистана в нем. В научной статье всесторонне анализируются вопросы формирования и развития процессов трудовой миграции в Австралии, особенности регулирования данных процессов со стороны государства, современные направления в интеграции Узбекистана в международный рынок труда, а также разработаны заключения в этом направлении.

Ключевые слова: трудовая миграция, международный рынок труда, миграция, трудовой мигрант, денежные переводы, мигранты Узбекистана, нелегальная миграция, поток мигрантов, интеграция.

04/2018

Qodirova Zulayho Abdulhalimovna,

Research supervisor: PhD,
Abdullaeva Shakhnoza Abdullaevna

Tashkent State Institute of Oriental Studies,
I-course master

SPECIAL FEATURES OF AUSTRALIAN EMPLOYMENT MODEL DURING THE GLOBALIZATION PERIOD

Abstract: The present article is dedicated to the trends in international labor market under globalization and the issues of participation of Uzbekistan. The scientific article analyzes the formation and development of labor migration processes in Australia, regulation of labor migration by the government, current directions in integrating Uzbekistan into international labor market, as well as it brings forth the conclusions in this field.

Key words: labor migration, international labor market, migration, labor migrant, remittances, Uzbek migrants, illegal migration, migrant flow, integration

For citation: Қодирова Зулайхо Абдухалимовна, Абдуллаева Шахноза Абдуллаевна. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АВСТРАЛИЯ МЕҲНАТ БОЗОРИ МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 9-15

КИРИШ

Глобаллашув шароитда мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро меҳнат бозори бу-зарур ишчи кучини танлаб олиш учун унга бўлган талаб ва таклифни давлатлараро миқёсида тартибга солиш жараёнларида иштирок этувчи ҳамда мамлакат ташқарисидagi ишчи кучини сотувчи ва харидорлари доимий равишда фаолият юритувчи халқаро даражадаги бозор хисобланади[1].

Халқаро меҳнат бозоридagi жараёнларнинг асосини меҳнат миграцияси ташкил этади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, миграция ижобий глобал ходиса бўлиб, у иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради ва турли жамоалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, шунингдек, аҳоли сонини ўсиши ва аҳоли сонининг пасайишидан келиб чиқадиган демографик муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Халқаро миграция жараёнлари узоқ тарихга эга бўлиб, эраизга қадар одамлар ўзларини машғул қилиш учун бир давлатдан бошқасига кўчиб юрганликлари ҳаммага аён. Бу борада XIX асрнинг ўрталарида ишсизлик ва оғир яшаш шароитлари туфайли Европа мамлакатларидан катта масштабдаги мигрантларни даромад топиш мақсадида АҚШга кўчиб ўтишлари, иккинчи жаҳон урушидан кейин юқори иш ҳақи таклиф қилган мамлакатларга "ақлий салоҳиятнинг оқиб кетиши" дея номланган юқори малакали кадрларнинг эмиграция қилишлари, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, миграция жараёнларининг Европа мамлакатлари томон жадаллашиши каби ҳолатлар халқаро меҳнат миграцияси анча йиллардан буён шаклланиб келаётганидан далolat беради.

XX асрга келиб халқаро меҳнат миграцияси жараёнлари ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг етакчи шаклларида бирига, демакки, халқаро иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳасига айланди. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

- хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви;
- ижтимоий-демографик ўзгаришлар;
- илм-фан, техника ва ахборот соҳасидаги инқилоблар;
- трансмиллий компаниялар фаолияти;
- ташқи савдонинг эркин лаштирилиши.

Мазкур омилларнинг ҳар бири халқаро меҳнат бозори шаклланишида ўз ўрни ва ролига эга бўлган. Бу омиллар ичида ижтимоий-демографик ўзгаришлар омили муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тарихга назар ташласак, демографик омиллар ва уларнинг кишиларнинг даромад топиш мақсадидаги миграция жараёнларига қанчалик таъсир қилганининг гувоҳи бўлаемиз.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бутун инсоният тарихи давомида сайёрамиз аҳолиси доимо барқарор суръатда ўсиб келган. Тахминий маълумотларга кўра, эрамиз бошида сайёрамизнинг аҳолиси 170 млн. кишини ташкил қилган. Бироқ, ер шарининг демографик тарихида шундай даврлар ҳам бўлганки, бунда аҳоли сони нафақат ўсмаган, балки қисқарган ҳам. Масалан 1300-1400 йиллар давомида "бубон вабоси" натижасида Европа аҳолисининг чорак қисми қирилиб кетган. Колумбнинг Американи очиши эса, мазкур минтақа томон аҳолининг оммавий миграциясига сабаб бўлган. Миграциянинг айнан шу йўналиши бир неча юз йиллар давомида минтақалараро миграция жараёнлари ичида етакчи бўлиб қолган. Айнан миграция жараёнлари даврида европалик мигрантлар ҳисобидан Шимолий Америка аҳолиси 7 бараварга, қулларни сотиш билан шугулланган Африка аҳолиси эса бор-йўғи 1,5 бараварга, Австралия ва Океания аҳолиси эса атиги чорак бараварга ўсган.

XX асрнинг биринчи ярмига келиб эса, бўлиб ўтган иккита жаҳон уруши, кўплаб минтақавий ва маҳаллий келишмовчиликлар ва оғир эпидемияларга қарамай, дунё аҳолиси сони 1,5 бараварга ортиб, 2,5 млрд. кишига етди. Айнан шу даврда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги кескин номутансиблик (диспропорция)лар кузатила бошлади ва бу ҳолат, ўз навбатида, демографик кўрсаткичларнинг ўзгаришига олиб келди. Яъни XX асрнинг 1-ярмида Осиё аҳолиси 1,5 бараварга, Африка аҳолиси 2 бараварга, Лотин Америкаси аҳолиси 2,5 бараварга ортган бўлса, дунёнинг қолган минтақаларида аҳоли сонининг қисқариши кузатилди[2].


БМТ маълумотларига кўра, 2017 йил жами мигрантлар сони 258млн. кишига етган бўлиб, улар сони дунё аҳолисининг ўсиш суръатларини 49 фоизга етди. Натижада, мигрантлар сони жами аҳолининг 2016 йилги 2,8 дан 2017 йилда 3,4 фоизгача қисмини ташкил қила бошлади. Бу даврга келиб дунёдаги жами пул ўтказмалари миқдори 596 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 450 миллиарди ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган[3].

Бугунги кунда халқаро мигрантларни жалб қилаётган халқаро меҳнат бозорларидан бири бу Австралиядир.

Аҳоли турмуш даражаси бўйича учинчи ўринда турувчи иқтисодий ривожланган давлат Австралия кўплаб халқаро мигрантларни жалб қилади ва бу борада ҳукумат томонидан мамлакат аҳолиси сонини ошириш ва меҳнатга жалб қилиш мақсадида махсус миграция дастури ишлаб чиқилган. Унинг асосий йўналиши мигрантларни жалб қилиш ва оилаларни бирлаштиришдир. Ушбу дастур давлат томонидан узоқ вақтдан бери муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Ҳар йили ўртача 150миг киши Австралияга доимий яшаш учун кириб келади. Статистик маълумотларга кўра, ҳар тўртинчи австралиялик хорижда туғилган бўлиб, мамлакатдаги жами мигрант оилаларнинг 28 фоизда иккинчи авлод вакиллари дунёга келган. Келажакда мамлакат аҳолиси сони айнан мигрантлар эвазига кўпайиши ҳам башорат қилинмоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида мамлакатда миграция улуши сезиларли даражада ортди. Хусусан, 1992-2007 йиллар мобайнида хорижий мигрантлар сони 30.042 дан 177,6 миғ кишига етди[4]. Бундай тенденция тарихда илк бор юз берди. 2005 йилда Австралияга 123 миғ киши кўчиб келган бўлиб, уларнинг 17,736 таси Африкадан, 54,804 таси Осиёдан, 21,131 таси Океания, 18,220 таси Буюк Британиядан, 1506 таси Жанубий Америкадан ва 2 369 таси Шарқий Европа мамлакатларидан ташриф буюрганлар[5]. 2007-2008 йилларда ҳукуматнинг мигрантлар учун ажратган квотаси 2006 йилдаги 143 миғтадан, 153 миғтагача етди[6]. 2008-2009 йилларда эса Австралияга тахминан 300 миғ янги мигрантлар келиши кутилган, бу иккинчи жаҳон урушидан буён энг юқори курсаткич ҳисобланади[7]. Бироқ, 2009 йил март ойида, Австралияда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши миграция квотасини 115 миғ кишига етишига сабаб бўлди[8]. Хорижда туғилганлар сони бўйича, Австралия дунёда биринчи ўринда туради. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин.




1-расм. Австралиянинг миграция соҳасидаги етакчи донор ҳамкор мамлакатлари.*

**2016 Australian Census and Migrants Integrated Dataset (ACMID)*

Дунёдаги энг демократик ва хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланган Австралиядаги юқори суръатлар билан ўсаётган мигрантлар гуруҳлари хитойликлар (уларнинг 55%и доимий яшаш учун мамлакатга кириб келади) ва ҳиндистонликлар (уларнинг 38-40%и доимий яшаш учун мамлакатга кириб келади) дан иборатдир. 2018 йилда Австралия 190 миғ доимий иммигрантларни қабул қилган бўлиб, уларнинг аксарияти тажрибали мигрантлардир. Австралия статистика бюросининг такидлашича 2018 йилда Австралия аҳолиси 25 млн.га етган бўлиб, 2030 йилга бориб унинг сони 28 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда Австралияда Россия, Украина ва МДХнинг бошқа мамлакатларидан ташриф буюрган техник, қурилиш мутахассислари, ҳайдовчилар, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, соҳаларида фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда МДХ дан ташриф буюрган аёллар соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида ишлаётганликларини алоҳида тўхталиш лозим.



2-расм. Австралиядаги Ўзбекистонлик мигрантларнинг сони (1996-2017).*
 *<http://www.ausstats.abs.gov.au>

Шу ўринда Австралияда 20 минг украиналик, 18 минг рус, 20 минг латвиялик, 2 минг ўттизта ўзбекистонлик мигрантлар яшашини ва ҳаттоки мамлакатда рус ва украин мактаблари ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Австралияда фуқаро мақомини олиш жараёни мураккаблиги туфайли, миграция масалаларини ҳал қилишни осонлаштирадиган вақтинчалик визалар, ҳуқуқий ва бошқа хизматлар махсус рўйхатдан ўтган миграция агентлари томонидан амалга оширилади. Мавжуд Австралия қонунчилигига мувофиқ, миграция агентликлари сертификатлаш ва тегишли MARA лицензиясига эга бўлмасдан туриб, уларнинг агентлик фаолияти билан шугулланишга рухсат этилмайди. Лицензия ҳар йили янгилансада, ҳар бир агентнинг рўйхатга олиш рақами ўзгармайди. Бундай рақамнинг дастлабки икки рақами - биринчи агентлик лицензиясини олган йили булади. Шунинг учун тажрибали агентни излашда энг кичик сонни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Миграция агентининг лицензия рақамини MARA тизимида онлайн текширилиши мумкин[9].

Австралияга кириб келувчи асосий йўналишлар:

- 1) малакали кадрлар ҳаракати
- 2) бизнеснинг кўчиши
- 3) никоҳ (келин визаси)
- 4) қочоқ ёки гуманитар дастур

Австралия иммиграция дастурлари: Меҳнат, бизнес, таълим, оила, қочоқ Австралия ҳудудида қуйидаги виза турлари мавжуд.

1. Мустақил иш визаси. Ушбу дастур Австралияда ишлаш ва ўқиш, доимий яшаш учун, оилани олиб келиш ва келажакда мамлакат фуқароси бўлиш имкониятини беради.

2. Номинал иш визаси. Ушбу дастурнинг олдинги дастурдан фарқи Австралия ҳудудларидан бирининг мажбурий қабулномасига тўғри келади.

3. Худудий (вақтинчалик) иш визаси. Ушбу дастур Австралияда 4 йилгача вақтинчалик банд бўлиш имконини беради.

Австралияда малакали иммиграция дастури доирасида SkillSelect махсус манба фаолият кўрсатади. Лойиҳанинг моҳияти мамлакатнинг ишчи кучи эҳтиёжига қараб хориждан юқори даражадаги мутахассисларни излашни соддалаштиришдир. Бу муҳожирларга қисқа муддатда иш визасини олиш ва Австралияга доимий

яшаш учун кўчириш имкониятидир. Шунингдек маълум маҳоратга эга бўлган, иш тажрибаси ва инглиз тилини яхши биладиган кишилар учун махсус бизнес дастурлари ёрдамида Австралияга иммиграция қилиш имконияти мавжуд. Бундай мигрантларга дастлаб, 4 йил муддатга вақтинчалик виза берилади ва агар бу муддат давомида бизнеси муваффақиятли ривожланса, улар доимий яшаш учун муурожаат қилиши мумкин. Минтақавий бизнес дастурларини ривожлантириш орқали, Австралия ҳукумати мамлакатнинг турли ҳудудларида, шу жумладан кам ривожланган ҳудудларда бизнес фаолигини ошириш режалаштирган.

Мамлакатдаги хорижлик талабалар учун эса, талаба визаларининг тўлиқ рўйхати мавжуд. Масалан, инглиз тилини интенсив ўрганиш, университетда ўқиш, магистр ёки докторлик дастурига кириш қабилар шулар жумласидандир.

Австралияда дунёнинг кўплаб давлатлари билан таълим соҳасида махсус битимлар мавжуд ва бу виза олиш тартибини сезиларли даражада осонлаштиради.

Оилавий муносабатлар ёки Австралияликлар билан турмуш қуриш ҳолатлари оилавий визалардан бирини олишга имкон беради. Бу борада ҳомийлик тартиб-қоидаси қўлланилиб, у мамлакатдаги янги иммигрантларга моддий ёрдам беришни кафолатлайди.

Оила визаларининг қуйидаги турлари мавжуд.

1. Австралия фуқаросининг турмуш ўртоғи. Никоҳ шартномаси муддати - камида 1 йил.

2. Австралия фуқароси келин / куёв. Виза Австралиядан ташқаридаги шахсларга берилади.

3. Ҳамкорлик. Австралия фуқароси билан яқин алоқада бўлган хорижликларга камида 12 ой вақтга берилади.

4. Ота-оналар визаси Австралияда яшовчи шахсларга берилади.

5. Болалар визаси мактаб ёшидаги кишилар оила аъзолари ёки яқин дўстлари орасида Австралия фуқароси бўлса 12 ойгача қитъга ташриф буюриш имкониятига эга.

Одатда, оилавий визалар мамлакатда икки йиллик истиқомат қилгандан кейин Австралияда доимий яшовчи мақомини олиш имконини беради.

Австралия қочоқ ҳимоя қилиш Халқаро ташкилот Сурия ва Ироқдан кириб келувчиларни фаол ҳимоялайди. Мамлакатда жиддий зўравонлик ёки инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари бўлган тақдирда, хорижлик фуқаро Австралияда қочқин мақомини олиши мумкин. Шунга қарамай, миграция инқирози оқибатида 2015-2017 йилларда бундай талабномалар сони берилган визалар сонидан сезиларли даражада кўп эканини таъкидлаш жоиз[10].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Австралияга олиб борилган юқорида кўрсатилган кўчиб юриш йўллари сарҳисоб қиладиган бўлсак, ташаббус ва таълимга эга бўлган хорижликлар учун мамлакат ҳукумати кўчиб ўтиш ва уни доимий яшаш шароитларини соддалаштириш учун барча шарт-шароитларни яратди.

Халқаро меҳнат миграция жараёнларида иштирокчиларнинг кўплиги давлатларнинг иқтисодий ўсишига ва халқаро интеграциялашувига сабаб бўлди. Шунингдек, Австралиядаги демографик ўсишнинг асосий манбаи ҳам мигрантлар бўлиб, улар таркибида тобора МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрган муҳожирлар сони ортиб бормоқда. Бу борада ҳукуматнинг ёрдами билан маълум бир минтақа ёки умуман мамлакатнинг ишчи кучи эҳтиёжига қараб хориждан

юқори даражадаги мутахассисларни излашни содалаштиришдан иборат бўлган махсус SkillSelect манба лойиҳасининг ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу лойиҳа МДХлик мигрантларнинг тезда иш визасини олишлари ва Австралияга доимий яшаш мақсадида кўчиб ўтишлари учун янги имкониятлар туғдирмоқда.

REFERENCES

1. Qodirova Z.A. Uzbekistan's integration with international market in the period of globalization.-T.: ECONOMY, 2016
2. Ryazansev V.S M.F.Tkachenko. World labour market and international migration. М., 2010. P. 61.
3. International Migration Report 2017: Highlights. - 2017. - New York: United Nations, 2017 - p.12
4. Australian Bureau of Statistics, International migration; Australian Bureau of Statistics, 3101.0 Australian Demographic Statistics Архивнаякопия от 4 июня 2008 наWayback Machine.
5. Inflow of foreign-born population by country of birth, by year.
6. Australian Immigration Fact Sheet 20.Migration Program Planning Levels
7. Iggulden, Tom. Immigration intake to rise to 300,000, Lateline, Australian Broadcasting Corporation (11/06/2008). 300,000 skilled workers needed - Evans, NEWS.com.au
8. Архивированная копия(недоступная ссылка - история).
Проверено 9 апреля 2009. Архивировано 3 апреля 2009 года.Government cuts migration program
9. <https://selfmadetriп.com/kak-perechat-v-avstraliyu-so-svoim-proektom/>
10. <https://countrymeters.info/ru/Australia>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Умурзаков Баходир Хамидович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
Ўринбосари

Қорабоев Нуриддин Пардабой ўғли

ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётни
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари" илмий-тадқиқот
Маркази таянч докторанти



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-3>

**ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДАГИ АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ
БИЛАН БАНДЛАРНИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ
ДИНАМИКАСИ**

Аннотация: Ушбу мақолада, инновацион иқтисодиёт тенденциялари шароитида иқтисодий фаолиятдаги аҳолининг меҳнат билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, аҳолининг меҳнат билан бандлигининг даражасининг таркибий ўзгаришлари ҳолати таҳлили шунингдек илмий асосланган таклиф ва ҳулосалар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистонда бандлик тузулмаси, иқтисодий фаолият турлари, таркибий ўзгаришлар.

Умурзаков Баходир Хамидович

доктор экономических наук, профессор
Заместитель министра занятости и трудовых
отношений,

Қарабоев Нуриддин Пардабой ўғли

Докторант в научно-исследовательском
центре "Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана" при Ташкентском
государственном экономическом университете".

**СТРУКТУРА РАБОЧЕЙ СИЛЫ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИЗМЕНЕНИЯ ЕЕ ДИНАМИКИ**

Аннотация: В данной статье анализируются социально-экономические аспекты экономической занятости населения, структурные изменения уровня занятости в условиях инновационно-экономического развития, а также сделаны научно обоснованные предложения и выводы.

Ключевые слова: структура занятости в Узбекистан, виды экономической деятельности, структурные сдвиги.

04/2018

Umurzakov Bahodir Khamidovich

Doctor of Economics, Professor
Deputy Minister of Employment and Labor Relations
Karaboev Nuriddin Pardaboy o'g'li

Doctoral student at the Research Center of "Scientific
Foundations and Problems of the Development of the
Economy of Uzbekistan" at the Tashkent State
Economic University ".

THE STRUCTURE OF LABOR IN ECONOMIC ACTIVITY AND CHANGES IN ITS DYNAMICS

Abstract: This article analyzes the socio-economic aspects of economic employment of the population, structural changes in the level of employment in the conditions of innovation and economic development, as well as scientifically based proposals and conclusions.

Key words: structure of employment in Uzbekistan, economic activities, structural changes.

For citation: Умурзаков Баходир, Қорабоев Нуриддин. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДАГИ АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛАРНИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 16-20

Кириш

Инновацион иқтисодиёт тенденциялари шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида юз берадиган таркибий ўзгаришларнинг асоси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўзгаришларга аҳолининг меҳнат билан бандлигининг структураси ҳисобланади ва бу иқтисодий тизимнинг ўсиши ва пасайиши билан боғлиқлигини баҳолаш имконини беради. Шу сабабли инновацион иқтисодиёт тенденциялари шароитида бандлик даражасининг таркибини таҳлил қилиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2019 йил - "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида ижтимоий соҳани янада ривожлантиришда меҳнат ресурсларининг талаб ва таклиф бўйича номутоносбликнинг мавжудлиги, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, 2019 йил учун бандликка кўмаклашишнинг янги давлат дастурини тасдиқлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш, ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишмаганлиги долзарб муаммолардан эканлиги таъкидланди[1].

Таҳлил ва натижалар

Бандликнинг таркибий ўзгаришларини методологик ёндашувлар ва тизимли силжиш массасини таҳлил қилиш асосида ҳар бир фаолиятдаги таркибий ўзгаришларнинг катталигини икки компонентга айлантириш имконини беради:

Бошқа турдаги фаолиятда бандларнинг шартли доимийликда мазкур турдаги фаолиятдаги меҳнат ресурслари сонининг ўзгариши сабабли юзага келадиган-ички силжиш, ҳамда бошқа фаолият турларида бандлар, меҳнат ресурслари сонининг ўзгариши сабабли, бандларнинг умумий таркибида фаолият турининг улуши ўзгаришини тасифловчи-ташқи силжиш.

Ишга жойлашишдаги таркибий ўзгаришларнинг умумий кўрсаткичи сифатида, муаллиф Рябтсев индексидан фойдаланишни таклиф қилади, унинг афзаллиги структуравий ўзгаришлар даражасини ошириб юборадиган структураларнинг градуслик сонидан мустақиллиги, шунингдек тузилмалардаги фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун ўлчовларнинг мавжудлиги. Таклиф этилган методологияни синаб кўриш, умуман иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга максимал даражада ҳисса қўшадиган фаолиятни аниқлаш имконини берди.

Иш билан бандлик сиёсатининг устувор йўналишларидан бири меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Бандликнинг таркиби муайян даражада иқтисодиётнинг умумий таркибини акс эттиради ва ўзгаришларнинг таъсири остида катта даражада ўзгариб туради. Шу муносабат билан, самарали иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодий фаолият тури бўйича бандлик таркибида ўзгаришларга олиб келадиган чора-тадбирлар билан боғлиқ бўлиши керак.

Меҳнат бозордаги ўзгаришлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тизимли тузатиш энг қийин вазифалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, иқтисодий фаолият тури бўйича бандликдаги таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг муҳимлиги, унинг долзарблиги бир қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, бу эрда содир бўлаётган жараёнлар таркибий ва хилма-хил шаклда қарама-қаршилиқларга олиб келадиган жараёнлар туфайли структуравий жараёнлар билан боғлиқ назарий асосларни ўрганиш ва ташкил этиш, ходимларнинг фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш керак.

Иккинчидан, иқтисодий фаолият тури бўйича тузилишига нисбатан бандликдаги таркибий ўзгаришларни ўрганиш учун методологик воситалар йўқлиги.

Учинчидан, ҳудудларда даражаларда тизимли иш билан таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқишда аниқ контсептуал рамкалар ва механизмларнинг йўқлиги [2].

Ушбу тадқиқотда, таркибий ўзгаришларни баҳолаш иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда иқтисодий фаолият бўйича бандлик таркиби динамикасига, уларнинг нисбатларига қаратилганлигини аниқлатади.

Вақт оралигини танлаш 2014 йилдан буён илгари фойдаланилган sanoat классификатори билан таққосланмаган, иқтисодий фаолият турларининг янги классификатори қўлланилганлиги билан боғлиқ.

1-жадвал.

2014-2017 йиллардаги аҳолини иш билан бандлигининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти, (минг киши ва % ҳисобида)

Тармоқлар	Йиллар								2017 йилни 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
	2014		2015		2016		2017		+,-	%
Иқтисодиётда жами бандлар	12818,4	100,0	13058,3	100,0	13298,4	100,0	13520,3	100,0	701,9	105,4
шундан:										
Қишлоқ, ўрмон ва балик ҳўжалиги	3528,9	27,5	3601,7	27,6	3646,7	27,4	3671,3	27,2	142,4	104,0

Саноат	1736,5	13,6	1768,7	13,6	1802,4	13,6	1826,8	13,5	90,3	105,2
Қурилиш	1183,3	9,2	1222,2	9,3	1263,6	9,5	1290,0	9,5	106,7	109
Савдо	1378,3	10,8	1413,8	10,8	1452,4	10,9	1480,2	11,0	101,9	107,3
Ташиш ва сақлаш	592,1	4,6	614,7	4,7	638,2	4,8	654,9	4,8	62,8	110,6
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	286,8	2,2	297,3	2,3	308,0	2,3	313,3	2,3	26,5	109,2
Ахборот ва алоқа	59,8	0,5	61,7	0,5	63,6	0,5	64,3	0,5	0,5	107,5
Модия ва сугурта фаолияти	70,0	0,5	69,8	0,5	66,5	0,5	72,0	0,5	2	102,8
Таълим	1104,7	8,6	1105,3	8,5	1105,6	8,3	1106,6	8,2	1,9	100,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	600,8	4,7	601,5	4,6	601,6	4,5	602,6	4,5	1,8	100,2
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	64,9	0,5	65,0	0,5	65,1	0,5	65,3	0,5	0,4	100,6
Бошқа фаолият турлари	2212,3	17,3	2236,6	17,31	2284,7	17,2	2373,0	17,5	160,7	107,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 1-жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь даври учун иқтисодиётда банд аҳоли сони 13520,3 минг кишини ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 5.2 ошган. Иш билан банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари кесимида таҳлил этилганда, бандлар сонининг 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (9,6 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (8,5 %) қурилишда (8.3 %), савдода (6.9 %), бошқа фаолият турлари (6,8), кузатилди. Иш билан банд аҳоли сонининг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (27,2 %), саноат (13,5 %), савдо (11,0 %), қурилиш (9,5 %) ва таълим (8,2 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди. 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият уч гуруҳга бўлиниши исботланди[4]:

- Биринчи гуруҳ ↑ **гшиш**;
- Иккинчигуруҳ ↔ **гзгармас**;
- Учинчи гуруҳ ↓ **пасайиш**.

2-жадвал.

2014-2017 йиллардаги аҳолини иш билан бандлигининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандликнинг динамикаси.

Иқтисодиётда Фаолият турлари	2014	2015	2016	2017	Фаолият тури
шундан:					
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	↑	↑	↓	↓	Иккинчигуруҳ
Саноат	↔	↔	↔	↓	Учинчи гуруҳ
Қурилиш	↑	↑	↔	↔	Биринчи гуруҳ
Савдо	↔	↔	↑	↑	Биринчи гуруҳ
Ташиш ва сақлаш	↑	↑	↑	↑	Биринчи гуруҳ
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	↑	↔	↔	↔	Биринчи гуруҳ
Ахборот ва алоқа	↔	↔	↔	↔	Иккинчигуруҳ
Модия ва сугурта фаолияти	↔	↔	↔	↔	Иккинчигуруҳ
Таълим	↓	↓	↓	↓	Учинчи гуруҳ
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	↓	↓	↓	↓	Учинчи гуруҳ
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	↔	↔	↔	↔	Иккинчигуруҳ
Бошқа фаолият турлари	↔	↔	↑	↑	Биринчи гуруҳ

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 2-жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бандликнинг таркибий ўзгариш тенденцияларини яхшироқ англаш учун уни таркибий силжиш массаларининг ўзига хос омили таҳлил ўтказилди. Бу таҳлил уни 2 қисмга бўлиб берди[3]:

1. Ички силжиш-иқтисодиётнинг умумий тизимида банд бўлганларнинг таҳлил қилинаётган турдаги фаолиятининг соф миқдорини ўзгариши;

2. Ташқи силжиш- бошқа турдаги фаолият билан банд меҳнат ресурслари сони ўзгариши туфайли умумий бандлар ичида таҳлил қилинаётган турдаги фаолият билан бандлар соф миқдорини ўзгариши.

Инновацион иқтисодиёт тенденциялари шароитида аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасининг таркибий ўзгаришларини ҳисоблаб ва таҳлилий маълумотлар асосида, таркибий ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш мумкин.

Хулоса

Таҳқиқотларга қўра иқтисодиёт фаолияти бўйича бандликнинг таркибида таркибий ўзгаришларнинг асосий сабаблари ички қарама-қаршиликлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқдир.

Амалёт шуни кўрсатадики инновацион иқтисодиёт тенденцияларнинг асосий шартлари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги, таркибий технологик тизимини яратиш ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларида рақобатбардош устунликларга эга бўлиши мумкин.

Барқарор иқтисодий тузилмани шакллантириш фақатгина давлатнинг бевосита иштироки ва жамоат истеъмоли ва устувор йўналишларининг бир бирига мос келиши орқали амалга ошиши мумкин.

Айнан шу жойда шубҳасиз давлатнинг таркибий мослашувларининг салбий оқибатларини юмшатишдаги роли пайдо бўлади. (ишлаб чиқариш хажмларининг камайиши, хўжалик тизимидаги қуйи салоҳиятли ва самарасиз тизимларининг барбод бўлиши ва б).

References

1. 2019 йил - "Фаол инвеститсиялар ва ижтимоий ривожланиш йили".Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси.
2. Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике: теория и методология / О.Ю. Красильников - Саратов: Научная книга, 1999, -74с.
3. Милыева Л.Г. Методика экспресс-диагностики политики занятости населения административно-территориальных образований / Л.Г. Милыева, И.В. Проколов // Вестник Омского университета. Серия "Экономика", 2014. - № 4. - С. 102-108.
4. Шмидт Ю.И. Показатели оценки структурных сдвигов в аграрном секторе экономики / Ю.И. Шмидт / Альманах современной науки и образования, 2013. - № 6 (73) - С.190-193

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Turdieva Muqaddas Umarovna,

TDSHI - 1-kursmagistranti
muqaddasturdiyeva0023@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-4>

XITOIY VA HINDISTON SAVDO ALOQALARINING
RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Аннотация: Xitoy va Hindiston o'rtasidagi savdo aloqalarini o'rganish, ikki mamlakatning tashqi savdo siyosatini tahlil qilish va ularning munosabatlarini o'rganishga bag'ishlangan maqola. Xitoy-Hindiston munosabatlari, shuningdek, Xitoy xalq Respublikasi va Hindiston Respublikasi o'rtasidagi ikki tomonlama munosabatlarni nazarda tutadi.

Калит so'zlar: savdo iqtisodiy aloqalar, savdo siyosati, tashqi savdo aylanmasi, import va eksport dinamikasi, xorijiy investitsiya.

Турдиева Муқаддас Умаровна

Магистрант1 курса Ташкентского государственного
института востоковедения

ТЕНДЕНЦИИ В КИТАЙСКИХ И ИНДИЙСКИХ
ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ

Аннотация: Статья посвящена исследованию торговых отношений между Китаем и Индией, анализу внешнеторговой политики двух стран и их взаимоотношений. Китайско-индийские отношения, также называемые сино-индийскими отношениями, относятся к двухсторонним отношениям между Китайской Народной Республикой и Республикой Индия.

Ключевые слова: торгово-экономические отношения, торговая политика, внешнеторговый оборот, динамика импорта и экспорта, иностранные инвестиции.

Turdieva Muqaddas Umarovna

1-st year Master student of Tashkent State Institute of
Oriental Studies

TRADE RELATIONS OF CHINA AND INDIA

Abstract: The article devoted to study the trade relations between China and India, analyzing the foreign trade policy of two countries and their relationship. China-India relations also called Sino-Indian relations, refers to the bilateral relationship between the People's Republic of China and the Republic of India.

Key words: trade economic relations, trade policy, foreign trade turnover, dynamics of imports and exports, foreign investment.

04/2018

For citation: Turdieva Muqaddas Umarovna. XITOIY VA HINDISTON SAVDO ALOQALARINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 21-26

Kirish. Osiyoning yirik davlatlari qatoriga kiruvchi Xitoy va Hindiston bugungi kunda o'zining yuqori iqtisodiy rivojlanish sur'atlari (yiliga 6-8%) bilan dunyo mamlakatlaridan ajralib turibdi. Har ikkalasi ham rivojlanayotgan mamlakatlar guruhidan joy olgan yirik iqtisodiyotli davlatlardir. Ular aholisining soni bo'yicha dunyoda 1-va 2-o'rinlarni egallab kelayotgan va bu yo'nalishda bir-biriga juda ham o'xshashdir (rasm 1.). Agar, Xitoyda bu borada oilani va tug'ilishni rejalashtirish bo'yicha davlat dasturlari qabul qilinib, muvaffaqiyatli amalga oshirilayotgan bo'lsa, Hindistonda esa, bu ishlar davlatning nazoratiga olingan bo'lishiga qaramasdan, xanuzgacha ular o'z kutilgan natijalarini berganicha yo'q.

Ammo, shular bilan bir qatorda, Xitoy va Hindistonning hozirgi kunda jahon iqtisodiyotidagi roli ortib bormoqda. Masalan, 1980 yillar oxirida salkam 4% ni tashkil etgan bo'lsa, bugungi kunda (2015y.) Xitoyning jahon savdosidagi ulushi 15%ni, Hindistonning ulushi esa, 1985 y. dagi 0,1% dan 2015 yilda 1.2% ni tashkil etdi.

Mana shu ikki davlatning iqtisodiy salohiyatiga nazar tashlar ekanmiz, ular orasidagi savdo aloqalarining rivojlanishi nimalarga asoslanishini, ularga qanday omillar ta'sir etishi mumkinligi, mazkur mamlakatlar bir-biri bilan qaysi yo'nalishlarda hamkorlik qilish masalalarini hal etish loziir bo'ladi va ular bugungi kunda har ikkala mamlakat va hattoki, dunyo savdosi uchun ham katta ahamiyat kasb etadi va shu nuqtai nazardan dolzarb hisoblanadi.

Tahlil va natijalar

Xitoy o'z import va eksportini kengaytirish bilan birga, xorijiy texnologiyalarni mamlakatga kiritish; boshqa davlatlar uchun moddiy yordam ko'rsatish siyosatini takomillashtirish; xorijiy kapitaldan foydalanish bo'yicha hamkorlik qilish; chet eldagi qurilish ob'ektlarida pudrat ishlarini bajarish; texnologiyalar eksportida mehnat xizmatlarini ko'rsatish; ob'ektlarni investitsiyalash va xorijda o'z korxonalarini tashkil etish ishlarini rivojlantira boshladi.

1-jadval

Xitoyning JST ga a'zo bo'lgandan so'nggi tashqi savdo aylanmasining o'sish sur'atlari

Yillar	Tashqi savdo aylanmasi		Eksport		Import		Saldo(qoldiq)
	Mlrd.doll.	O'sish,%	Mlrd.doll.	O'sish,%	Mlrd.doll.	O'sish,%	
2001	509,7	7,5	266,1	67,8	243,6	8,2	22,6
2005	1421,9	23,2	762,0	28,4	660,0	17,6	102,0
2010	2972,8	35,0	1577,0	31,3	1394,8	38,7	183,1
2015	3954,5	-8,4	2274,5	2,8	1680	-14,1	594,5
2017	4104,4	11,4	2263,4	7,9	1840,9	15,9	422,5

Bizga ma'lumki, ikki Osiyo gigantlari hisoblangan Xitoy va Hindiston, xalqaro maydondagi ko'plab manfaatlarni o'zida birlashtiradi. Xitoy va Hindiston BRICS, ShHT, Triangle Russia-India-China kabi xalqaro tashkilotlar va uyushmalar doirasida hamkorlik qiladi. Xitoy va Hindiston oldida bugun yechimini kutib turgan bir xil muammolar turibdi, xususan: global moliyaviy inqirozlar, iqlimning o'zgarishi, terrorizmga qarshi kurash, energiya va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash kabi muammolarni hal etish masalalari o'z dolzarbligini yoqotganicha yoq.

Xitoy va Hindiston dunyodagi eng aholi zich joylashgan ikki yirik iqtisodiyotli mamlakat bo'lib, dunyodagi jadal rivojlanayotgan mamlakatlardir. Natijada iqtisodiy o'sish Xitoy va Hindistonning xalqaro maydondagi mavqeiga jahon iqtisodiyotidagi hamda tashqi savdodagi o'zgarishlar bevosita o'z ta'sirini o'tqazmoqda. Natijada, har ikki mamlakatlar tashqi savdosida ham keskin o'zgarishlar yuz bermoqda. Lekin, shunga qaramasdan, ular orasidagi o'zaro savdo aloqalarining ahamiyati ortib bormoqda.

Shuni ta'kidlash joizki, Xitoy va Hindiston orasidagi munosabatlar oddiy bo'lmay, ular bir necha maritaba nizolashib turishgan ham. Bu nizolarning asosiysi xududiy nizo hisoblanib u Janubiy Tibet masalasidir.

Quyida biz Hindistonning zamonaviy rivojlanish ko'rsatkichlarini taxlil etish uchun uning asosiy iqtisodiy rivojlanish indikatorlariga murojaat qilamiz

2-jadval

Hindistonning asosiy iqtisodiy rivojlanish indikatorlari

Indikatorlar	2001	2002	2003	2004	2005	2008	2010	2016
YalM (mlrd. doll. AQSh)	478.3	506.11	595.0	691.6	797.8	2,2073	1632.0	2251.0
Real o'sish YalM,%da	5.3	3.6	8.3	8.5	8.5	7.3	10.1	7.6
Inflyatsiya	3.8	4.3	3.8	3.8	4.2	4.7	12.0	5.6
Aholi soni (mln. chel.)	1034.2	1049.7	1065.1	1080.3	1095.4	1150.0	1173.1	1266.9
Eksport (mln doll. FOB)	44794	51153	60895	77939	98128	120100	225.6	271.6
Import (mln.doll. FOB)	56829	60723	75537	105901	149788	132257	357.7	402.4
Joriy to'lov balansi (mln.doll.)	1410	7061	8773	1430	-12948	-12,157	-132.1	-130,8
Mamlakatnig valyuta zahirasi (mln.doll)	45871	67666	98938	126593	131924	155346	-	-
Tashqi qarz (mln.doll)	97.5	106.3	113.5	120.6	125.5	178.9	50,6	52.3
O'rtacha ayriboshlash kursi (rupiy va doll.)	47.19	48.51	46.58	45.32	44.10	44,6	47,3	49,9

Hindistonning ta'sirchan iqtisodiy o'sishiga qaramasdan, Xitoy rivojlanishdan orqada qolmoqda. Ularning o'zaro tovar ayriboshlash hajmi yil-yilga yoqori sur'atlarda o'sib bormoqda. 2011 yilda ikki tomonlama savdo hajmi 74 milliard dollarni tashkil etdi. Xitoy Hindistonning birinchi savdo sherigi bo'ldi. Mamlakatlar 2020 yilgacha ikki tomonlama tovar ayriboshlash hajmini 100 milliard dollarga chiqarishni mo'ljalmoqdalar .

Xullas, bir so'z bilan aytganda Xitoy ham Hindiston ham o'z tashqi iqtisodiy siyosatlarini o'z ichki manfaatlaridan kelib chiqib amalga oshirmoqdalar va ular bu yo'nalishda birbirlari bilan raqobatyo'liga allaqachon o'tib olganlar.

Hozirgi kunda Xitoy ham Hindiston ham Jahon Savdo Tashkiloriga a'zo davlatlar hisoblanib, ular rivojlanayotgan davlat maqomida o'z tashqi iqtisodiy aloqalarini va tashqi iqtisodiy faoliyatlarini amalga oshirmoqdalar. Shu qatorda ta'kidlash lozimki, Hindiston mazkur tashkilot tomonidan qoyilgan talablarni biroz buzib, shuning uchun u, taqid qilish ob'ektiga aylandi. Xususan, u eksport tovarlarini ishlab chiqarishda foydalaniladigan materiallarni import qilishda bo'j to'lovlarini to'lash uchun keng miqyosdagi kreditlarni to'lashi, eksport sohasidan olingan foyda uchun soliqdan ozod qilishni, minimal foiz stavkasida eksportni kreditlash tizimini mavjudligi uchun, uskunalarini import qilishda preferensial bojlarni ta'minlovchi ishlab chiqarish vositalarini eksport qilish dasturiga yordam berish holatlarini qayd etish lozimdir.

Mamlakat eksporti dinamikasining past darajasi uning eksport kreditlarini yuqori narxlar bilan, jahon eksport dinamikasining sekinlashuvi (19% dan 5% gacha tushib ketishi) bilan, AQSh, Yaponiya va Yevropa davlatlariga bo'lgan eksport tovarlarining, ya'ni, kiyim-kechaklar, oyoq-kiyimlar va teri mahsul-atlarining hajmining pasayib ketishi

bilan, hamda xorijga bug'doyni eksport qilish hajmini pasayishi bilan, Jahonda olmozga bo'lgan narxlarining keskin tushib ketishi bilan, maishiy elektronika tovarlarini va uzoq muddatga foydalanadigan tovarlar hajmining qisqarishi bilan hamda infratuzilmadagi yetishmoqchiliklar bilan bog'liqdir.

Umuman olganda, Hindistonning importida yetakchi pozitsiyalarni ishlab chiqarish vositalari, neft va neft mahsulotlari, ximikatlar, bo'yoqlar, farmasevtika preparatlari, ishlov berilmagan olmoslar, mineral o'g'itlar, qog'oz, ranglit va qora metuallar egallagandir. Mamlakatdagi mavjud man etilgan tovarlar ro'yxati ahamiyatli tarzda qisqarib, unga o'simlik yog'lari bo'lmagan mahsulotlar, ishlov berilmagan SI suyaklari va boshqalar kiradi.

Sekin-astalik bilan bo'lsa ham, iste'mol tovarlari ro'yxati kengayib bormoqda. Ularni erkin holda yoki maxsus import litsenziyalari orqali import qilishga ruxsat berildi. 1996 yilda mazkur mahsulotlarni import qilish bo'yicha qo'shimcha kanallar ochilib, aholiga tovarlar ishlab chiqarishda lozim bo'lgan detallar va qismlarini import qilishga qo'yilgan chegaralar bekor qilindi.

Mamlakatga xom ashyo va qishloq xo'jaligi mahsulotlarini olib kirish hanuzgacha davlat sektori orqali amalga oshirilmoqda. Tovarlari import qilishda davlatning hissasiga atigi 8% import to'g'ri kelmoqda. Bu esa, mamlakat tashqi savdosini liberalizatsiya qilinishini ko'rsatib, uning keyinchalik hissasi keymchalik ham kamayib borishini anglatadi.

Endi Hindiston iqtisodiyotida Xitoyning o'rniga kelsak, uni bilish uchun biz jadval 2.ga murojaat qilamiz.

3-jadval

Hindistonning asosiy savdo hamkorlari va ularning mamlakat umumiy savdosidagi ulushi, % da

Yo'nalishlar	2001	2002	2003	2004	2005	2008	2010	2015
Eksport FOB								
AQSh	21.6	20.8	19.3	17	19.2	20,6	20,4	20.9
Xitoy	3.6	3.5	4.6	5.5	9.5	11,9	11,2	11,5
BAA	3.9	6.3	7.9	8.7	8.4	8,8	8,2	8,6
Buyuk Britaniya	5.7	4.9		4.5	4.9	5.1	4,9	5,0
Import, CIF								
Xitoy	4.1	4.6	5.2	6.2	7.4	8,2	8,4	8,5
AQSh	8.2	7.3	6.9	6.1	6.6	7,8	7,5	7,9
Belgiya	5.9	6.1	5.5	4.5	5.2	5,5	4,9	5,4
Singapur	6	2.5	2.7	2.5	4.9	5,9	5,6	6,0

Yuqoridagi jadvalda ko'rinib turganidek, mamlakat eksportida Xitoy 2-o'rinda, importida esa, 1-o'rinni egallaganligini guvohi bo'lamiz.

Mamlakatdagi import kvotasi: sekin.-asta bojlar bilan almashtirilib, unda baribir, Hindistonda uning hajmi ancha yuqoriligi bilan ajralib turadi. U minimal tarzda - 27% ni va maksimal holatda 53%ni iashkil etmoqda. Hukumat keyinchalik, bu ko'rsatkichni jahon darajasiga keltirishni rejalashtirdi. Ammo, lekin bu jarayonlar shundayligicha amalga oshirilib kelinmaydi, binobarin, mamlakatdagi mavjud sharoitlarning o'zgarishi bilan, unga tuzatishlar va o'zgartirishlar kiritilib boriladi. Buni biz, Hindistonning yaqinda davlat byudjetini to'ldirish bo'yicha 3% lik neft mahsulotlaridan tashqari hamma tovarlar uchun, qo'shimcha Import bojlarini oshirganligida va tovarlar importi uchun 10% lik kompensatsion bojlarni kiritilganligida ko'rishimiz mumkin.

Ikki davlatda ham jiddiy muammolar ko'p bo'lib, ular quyidagilardan iboratdir:

-Hindistonda yo'llar juda yomon ahvolda, elektr energiyasi manbai va suv yetishmaydi. Ularning barchasi esa, mamlakatning iqtisodiy rivojlanishiga to'siq bo'lib kelmoqda;

- Xitoyda ulkan hajmda "yomon" (bank) qarzlari muammosi va uning iqtisodiyotida "qizib ketish" muammosi mavjuddir

-Xitoy va Hindistonning iqtisodiy rivojlanishlari prinsipial holdaturli yondashuvlarga asoslanadi;

-Xitoy o'ylab qilingan qarorning mahsuloti bo'lsa, Hindiston esa, tabiiy yo'llar orqali shakllandi;

-Xitoy Hindistonga nisbatan, tez rivojlanayotgan davlat, uning o'ziga xos iqtisodiy rivojlanish modeli mavjud;

Amerikaning Massachusetts texnologik institutini menejment maktabi vakili Yashen Xuanningni fikricha, har bir yondashuvning 2ta farqi mavjuddir:

-birinchidan, Xitoy hukumati Hindistonga nisbatan, Iqtisodiyotni faol boshqaradi;

-ikkinchidan, Xitoy Hindistonga bevosita xorijiy investitsiyalarni kiritadi. Hindiston esa, unga xavfsirab qaraydi, Hindiston hukumati 1980 yillar o'rtalaridan boshlab, o'zining iqtisodiyotga aralashuv darajisini kamaytirib kelmoqda.

Shular qatorida, ikki davlat o'rtasida mavjud bo'lgan muammolar to'g'risida to'xtalib o'tish joiz:

-birinchidan, Hindiston uchun asosiy vaziyat - bu iqtisodiy rivojlanishdagi ikki davlat orasidagi doimiy ravishda kattalashib borayotgan farq. Xitoy Hindistonni o'z ichki bozoriga kiritishni chegaralab qo'ygan bo'lib, savdo bo'yicha ikki davlat otasidagi defisit bugungi kunda ulkan raqamlarni ko'rsatmoqda.

2015 yilda uning Xitoyga qilgan eksport hajmi 14,03 mlrd.dollni tashkil etgan bo'lsa, import hajmi esa, 58,90 mlrd.doll.dan iborat bo'lib, ular orasidagi savdo defisiti - 44,87 mlrd.doll.ga yetdi. Har ikki mamlakatning tashqi savdodagi maqsadi - tashqi savdo aylanmasini 100 mlrd.doll.ga yetqazishdan iborat bo'lib, ammo, bunga erishish oson kechmayapti;

-ikkinchidan, Hindiston shimolda harbiy nomutanisiblikka ega bo'lib, bu joyda Xitoy bilan territorial majorosi mavjud.

Xulosa

Xitoy Hindistondan o'zining infrastrukturaviy tarmoqlari rivojlanishida o'zib ketmoqda va bu tendensiya kelajakda ham saqlanib qoladi. Ammo, lekin, Hindiston o'z navbatida, dasturiy ta'minoti. biotexnologiyalar, IT texnologiyali tarmoqlar, farmatsevtika va reklama sohalarida Xitoyni ortda qoldirib, liderlik pozitsiyasini egallamoqda.

Shular qatorida, ta'kidlash lozimki, Hindiston iqtisodiyotidagi xitoydan kirib kelayotgan investitsiyalarning hajmi ham o'sib bormoqda.

Biroq, bugungi kunda ikki tomonlama munosabatlardagi muammolari birinchi navbatda, harbiy va siyosiy sohalariga ta'luqlidir. Ikki davlat orasidagi jiddiy qarama-qarshiliklarni mazkur mamlakatlarning iqtisodiy o'sish sur'atlari keltirib chiqarmoqda. Natijada ikki mamlakatning tabiiy resurslarga bo'lgan ehtiyojlari yiliga 25-30%ni tashkil etmoqda. Ularning yoqilg'i-energetik mahsulotlarini chetdan olib kirishga bo'lgan bog'liklari mazkur mamlakatlarni resurslarni diversifikatsiyalashga va o'z navbatida mana shu resurslarni yetqazib beruvchi mamlakatlar bilan uzoq muddatlarda hamkorlik qilishga undaydi. Bunday sharoitlarda albatta mamlakatlar orasida raqobatni kuchayishi yuz beradi.

References

1. Koval S.P. Energiyani tejash: samarasizlik yo'lining tarixi. 2009 // <http://portal-energo.ni/articles/details/id/7>
2. Zheng Bijian. Xitoyning "tinch-osoyishta" yuksalishi // "Tashqi ishlar". 2005 yil. 84. Yo'q. 5. P. 2.
3. Paste R.A. Qo'shma Shtatlarga qarshi yumshoq muvozanat. // Xalqaro xavfsizlik. 2005 yil. 30. Yo'q. 1. P. 11.
4. Zheng Bijian. Xitoyning "tinch-osoyishta yuksalishi" buyuk davlat maqomiga ega. 2005 yil. 84. Yo'q. 5. P. 2.
5. Yong Deng. Xitoyning xalqaro munosabatlarda milliy manfaatlar kontseptsiyasi // Xitoyda choraklik. 1998 yil. 154. P. 327.
6. Christensen T. Tovlamasdan muammolar keltirmoqda: Xitoyning o'sishi va AQSh uchun muammolari // Xavfsizlik siyosati. Vol. 25. Yo'q. 4. P. 9.
7. AA Volochova. XRMning tashqi siyosat kontseptsiyalaridagi o'zgarishlar (Xitoy siyosatshunoslarining fikrlari) // Uzoq Sharq muammolari. 2006 y., 3-son, 76-modda.
8. Kolyukov AA. Shanxay hamkorlik tashkilotining Markaziy Osiyo mintaqasini rivojlantirish va uning xavfsizligiga ta'siri. // Shanxay hamkorlik tashkiloti: rivojlanishning yangi chegaralariga to'g'ri keladi: Davra suhbat materiallari. Moskva: In-tDalnevost. Ras., 2008. P. 43.
9. Krylov S.L. Lotin Amerikasi davlatlarining ko'p tomonlama va kollektiv diplomatiyasini tashkil qilish // Xorijiy davlatlarning diplomatiyasi. M: ROS-SPEN, 2004. P. 265.
10. Mamonov M.V. Zamonaviy Xitoyning tashqi siyosatining ustuvor yo'nalishlari // Zamonaviy dunyo siyosati: Amaliy tahlil / Otv. Ed. A.D. Bogaturov. M.: Aspect-Press, 2009. Ch. 22. Cit. tomonidan: Wu Xinbo. Xitoyning tashqi siyosatidagi xatti-harakatlarga to'sqinlik qiladigan to'rtta ziddiyat / Suisheng Zhao (ed.). Xitoyning "ForeignPolicy" kompaniyasi. Pragmatizm va strategik xulq. N.Y.: Sharq darvozasi kitobi, 2004. P. 58-65.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Абдуллаева Ш. З. - Тошкент молия институти, и.ф.д., проф

Иброхимов И. Ш. - Тошкент молия институти, магистр

Хасанбоева М. В. - Тошкент молия институти, талаба



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-5>

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақола бугунги кунда долзарб мавзу бўлган инновациялар, янги инновацион гоёлар ва инвестициялар, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасидаги қарашларни ёритишга бағишланган. Шунингдек, мақолада мамлакатимизнинг иқтисодий тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига инновацион гоё ва усулларни жорий қилишда мавжуд муаммоларни баён қилиш, уларни бартараф этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион ва инвестицион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ўзда мужассамлаштирган.

Калит сўзлар: "ақли технологиялар", "сунъий" интеллект, кредит карталари, рақамли тизим, инвестицион фонд, интернет-банкнинг, мобил банк.

Абдуллаева Ш. З. - Ташкентский финансовый институт, д.э.н. профессор

Иброхимов И. Ш. Ташкентский финансовый институт, магистр

Хасанбоева М. В. - Ташкентский финансовый институт, студент

РОЛЬ БАНКОВ В РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аннотация: Статья посвящена инновациям, инновационным идеям и инвестициям, актуальным сегодня, и взглядам на то, как привлечь их в малый бизнес и частное предпринимательство. В статье также изложены взгляды и предложения, направленные на развитие инновационной и инвестиционной деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства путем разработки и устранения существующих проблем внедрения инновационных идей и методов в национальную экономику, в том числе малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: "Умные технологии", "искусственный" интеллект, кредитные карты, цифровые системы, инвестиционные фонды, интернет-банкнинг, мобильный банкнинг.

Abdullaeva Sh. Z. - Tashkent Finance Institute, DSc. professor

Ibrokhimov I. Sh. - Tashkent Financial Institute, Masterdegree student

Xasanboeva M. V. - Tashkent Financial Institute, student

THE ROLE OF BANKS IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

Annotation: The article focuses on innovations, innovative ideas and investments that are relevant today, and views on how to attract them to small businesses and private entrepreneurship. The article also includes the views and proposals aimed at developing innovation and investment activities of small business and private entrepreneurship through the elaboration and elimination of existing problems in introducing innovation ideas and methods into the national economy, including small business and private entrepreneurship.

Key words: "Smart technology", "artificial" intelligence, credit card, digital system, investment funds, internet banking, mobile banking.

For citation: Абдуллаева Ш. З., Иброхимов И. Ш., Хасанбоева М. В. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 27-33

Кириш

Тез суръатларда ривожланаётган замонда ҳаётимизни инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлатирувчи кучига айланиб бормоқда. Айти пайтда жамият ҳаётида инновацион соҳа шу даражада жадал ривожланмоқдаки, инновация худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш қувватлари ва интеллектуал салоҳият каби мамлакатнинг асосий бойлигига айланиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланиши, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳанинг амалга оширилганлиги, натижада аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилаётганлиги ҳам фаол инновацион ва инвестицион фаолиятининг натижасидир. "Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция - бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, худудларга янги технологиялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади." [1] Ўтган йилнинг давоми сифатида мамлакатимизда 2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили", деб номланиши ҳам жорий

йилда ҳар бир субъект фаолиятига фаол инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодийтимизни жадал ривожлантириш соҳасида қатор вазифаларни қўймоқда. Бизнинг фикримизча, йилларга замон талабидан келиб чиқиб номлар бериш йўли билан инновацион ривожланиш йўлини танлашни ҳам бир инновацион қараш деб ифодалаш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ривожланишнинг инновацион моделлари ва "ақли" технологиялар ёхуд "сунъий" интеллектдан фойдаланаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатлар ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, улар махсулот ва хизматларининг жаҳон бозорларида рақобатдошлиги янги, замонавий - илгор инновацион гоёлар ва ишланмаларга асосланади. Шундай экан, дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашни хоҳлайдиган ҳар қандай мамлакат инновацион фаолиятнинг ривожланишига эътибор қаратиши лозим.


Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Европа Иттифоқининг юксак ривожланган давлатларидан бири бўлган Германиянинг иқтисодий ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, тарихан Германия - кичик ва ўрта бизнес мамлактидир. Германияда 500 тагача ишчиси бўлган ҳар қандай тадбиркорлик кичик бизнес субъекти ҳисобланади ва у ердаги компанияларнинг 99 фоизини айнан шу турдаги компаниялар ташкил этади. Агар аниқ сонлар билан айтадиган бўлсак бу - 3,6 млн компания ёки Германиядаги барча иш ўринларининг 80% демакдир.[2] Бундан шу нарса яққол кўринадики, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес мамлакат иқтисодийнинг тақдирини белгилайдиган асосий омилдир.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодийта ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда яратилган ЯИМнинг салмоқди қисми, яъни 53.3% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг келажаги мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жамиятни барқарорлаштириш, иқтисодий фаровонликни оширишнинг кафолатидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш етарли пул маблағлари ва инновациялар бўлишини тақозо этади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Япониянинг ривожланган иқтисодийта кўришимиз мумкин. Американин "Форбес" журнали маълумотига кўра дунёдаги энг юқори даражадаги инновацион компанияларнинг деярли 10 фоизи Японияда жойлашган ва дунёни ўзгартира олган энг катта ихтироларнинг кўпчилиги айнан Японияда яратилган. Масалан, ўта тез юрар - экспресс поездлари (1964), чўнтак калкуляторлари (1970), андроид роботлар (2003) ва бошқалар.

2018-йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланиши ҳам бу соҳада инновациялар қилиш ва инвестициялар жалб қилишга имкон берди.

Фақатгина ўтган бир йил давомида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни қўллаб қувватлаш мақсадида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан молиялаштириш ва инвестицион кредитлар ажратиш ишлари доимий равишда ўсиш тенденсияда олиб борилаётганлигини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. (1-расм)



1-расм .Тижорат банклари томонидан 2018-йил -декабр ҳолатига (йил бошидан) ажратилган инвестицион кредитлар (млрд.сўм) [3]

Иқтисодийимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорига талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.


Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари учун тижорат банклари томонидан 2018 йилнинг 1 декабр ҳолатига 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробар кўп миқдорда инвестицион кредитлар ажратилган бўлиб уларнинг миқдори 35,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилмоқда.

Иқтисодийти барқарор ўсиб бораётган давлат сифатида Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ундаги инновациянинг ролини кучайтиришга устувор эътибор қаратилмоқда. Хусусан, илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий-техника лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган 92,4 миллиард сўм, инновацион лойиҳаларга 15,7 миллиард сўм маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда, иқтисодийтни модернизация қилиш, кичик бизнесни ривожлантиришда ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этади[4].

Инновацион ғоялар ва уларни қўллаб-қувватлаш, уларга ажратиладиган инвестицион маблағлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қанчалик аҳамиятли? Нима учун айнан бу соҳага катта эътибор берилади?

Чунки, бозор иқтисодийти шароитида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тез ривожлана оладиган, вақт ва замон ўзгариши ва талабларига тез мослаша оладиган соҳа ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирда бутун дунё миқёсида бу соҳага юксак эътибор берилмоқда ва уни

ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатлар ЯИМда эса бу соҳанин улуши ошиб бормоқда. Масалан, 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг япни ички маҳсулотдаги улуши Ўзбекистонда 53,3 фоизни ёки 119301 млрд сўмни ташкил этди. Японияда бу кўрсаткич 55%, Германияда - 54%, АҚШ да - 52% ни қайд этди (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши[5]

Шу билан биргаликда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишда қатор муаммолар ва ечимини талаб қилаётган масалалар мавжуд. **Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сонли Фармонида инновацияларни тўлақонли жорий этишдаги бир қанча муаммолар мавжудлиги, жумладан:**

- давлатнинг ривожланиш, дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада комплекс таҳлил қилинмаганлиги ва ўрганилмадан келинганлиги;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий тадқиқот ва ахборот таҳлил масалалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона органнинг мавжуд эмаслиги;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг татбиқ қилиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаётганлиги;

- юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаганлиги;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар соҳасида юқори салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорликнинг паст даражада сақланиб қолганлиги ва бошқалар ўз ечимини топади.

Фармонга кўра Вазирлик:

- Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

- инновацион фаолиятни унинг самарадорлиги индикаторлари асосида баҳолайди, илғор технологияларни биринчи даражада жорий этиш талаб қилинадиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

- инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

- илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади;

- юклатилган вазифалар доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишларнинг ҳолатини ўрғанади, инновация фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатда назарда тутилган лойиҳаларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилиши:

- меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ўсишига;

- айнан кўп маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларнинг ўсиш тезлигини кафолатловчи инновацион тадбиркорлик субъектлари, иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатсиз ечилишига;

- ички бозорни молиявий ресурслар чегараланган шароитда ҳам истеъмол товарлари билан таъминланишига;

- жамиятда ўрта синф мулкдорлар қатламини шаклланишига;

- нисбатан кам маблағ сарфлаб, янги иш ўринларини қисқа вақт ичида яратилишига;

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб келади.[6]

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўламини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар кўп бўлсада, бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни инкор этиб бўлмайди ва бу муаммоларни ечишда банкларнинг фаол иштироки ижобий натижаларга олиб келади:

- Кичик бизнес соҳасида банд бўлган аҳолининг 62 фоизидан кўпроги яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлса, атиги 16 фоизи кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келмоқда. Кичик корхоналарнинг бандлик масаласини ҳал этишдаги иштироки паст даражада бўлган ҳудудлар, масалан, Навоий вилоятида бу кўрсаткич - 11,3 %, Қашқадарё вилоятида - 12,4 % ва Тошкент вилоятида - 13,2% ни ташкил этади. Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган вилоятларда фаолият кўрсатувчи тижорат банклари шу ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари, кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини молиялаштириш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтиришга замин яратувчи йўналишларни белгилашлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай фаолият биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятининг самарасини оширса, иккинчи навбатда уларнинг фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар сифати ва миқдорини ошириш, худуд бозорларини тўлдириш ва янги иш ўринлари яратишга олиб келади деб ўйлаймиз.

- Кейинги эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини пул маблағлари билан таъминлаш масаласи бўлиб улар обороти учун зарур бўлган ўз пул маблағлари ва кредит

маблагларининг оқимида узилишлар бўлишининг олдини олиш ёки пул оқимининг узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Бу жараёни таъминлаш учун бизнинг фикримизча, хорижий банклар фаолиятида кенг қўлланиладиган амалиёт - банк мижози бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун банкларнинг кредит карталарини жорий этиш ва улардан ҳисоб-китобларни тезкор амалга оширишда фойдаланиш ижобий натижа беради деб ҳисоблаймиз.

- Рақамли иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида тижорат ва хусусий банкларнинг тўлиқ рақамли тизимга ўтиши ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига интернет-банкнинг ва мобил банкнингдан кўпроқ қулайликлар яратади.

- Шунингдек, жаҳондаги тараққий этиб бораётган банкларда қўлланилаётган "one-click" тизимини Ўзбекистон банкларида жорий қилиниши банк ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги харажатларнинг анча тежалишига олиб келади.

- Яна бир эътиборли жиҳат банкларнинг "start-up" лойиҳаларини қўллаб қувватлаш бўйича ажратиладиган ва уларга йўналтириладиган инвестицион маблағлари ва улардан фойдаланиш даражаси кун талабига тўла жавоб беради деб бўлмайди, чунки бу соҳада ижобий силжишлар учун етарли даражада эмас. Бу соҳада банкларнинг инвестицион маблағларини ошириш учун банкларга даромад олиб келувчи банк хизматларининг турлари ва сонини кўпайтириш ёки янгиларини жорий этиш самарали бўлади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодийнинг устувор таянчи экан, унинг ривожини давлатнинг юксалишига улкан таъсир кўрсатади. Америкалик иқтисодчи Жозеф Шумпетер айтганидек, тадбиркор - бу новатор, яъни янгилик яратувчи одам. Инновацияга интилган тадбиркор ўз фаолиятининг ривожланиш истиқболини белгилаган бўлади. Банкларнинг кичик бизнесни ривожлантириш ва янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш жараёнига фаол киришиши мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат ва хусусий банкларнинг жаҳон стандартларига интеграциялашуви Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини учун улкан ҳисса қўшади. Бу эса ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда фаровон ҳаёт кечириши учун имкониятлар эшигини очади. Тадбиркорликни ривожлантиришдан ҳам халқ, ҳам давлат манфаатдор бўлиб, томонлар ўртасида ўрнатилган самарали ҳамкорлик фақат ва фақат ижобий натижа қайд этади.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017 йил 22-декабр
2. Германиянинг аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш сайти маълумотлари асосида www.make-it-in-germany.com
3. Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий баёнотига кўра тайёрланган.
4. Рўзиева Дилобар Исомжоновна, Ашуров Юсуф. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион ҳамкорликнинг аҳамияти. <http://www.fikr.uz>
5. www.minesopomy.uz сайти маълумотларига асосан муаллифлар томонидан тайёрланган.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сонли фармони. <http://www.uza.uz>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

А.А.Темиров,

ТДИУ "Банк иши"
кафедраси доценти, и. ф.н,
abdulaziz38@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-6>

ИСЛОМИЙ БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада исломий банкларнинг келиб чиқиши, уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, исломий банкларнинг ишлаш тамойилларига қисқача тушунча берилган, уларнинг аънавий банклардан устун ва заиф томонлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ислом, банк, процент, мурабаха, мудараба, мушарака, ижара, салам, сукук, такафул.

А.А.Темиров,

доцент кафедры
"Банковское дело"ТГЭУ, к.э.н,
abdulaziz38@mail.ru

ИСЛАМСКИЕ БАНКИ И ИХ ПРИНЦИПЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: В данной статье предоставлены сведения связанные с происхождением исламских банков, их деятельности. Также, даны понятия о принципах деятельности исламских банков, их преимущества и недостатки от обычных коммерческих банков.

Ключевые слова: ислам, банк, процент, мурабаха, мудараба, мушарака, аренда, салам, сукук, такафул.

А.А.Темиров,

docent in "Banking"
department of TSUE, candidate of economic sciences,
abdulaziz38@mail.ru

ISLAMIC BANKS AND THEIR PRINCIPLES OF ACTIVITY

Annotation: This article provides information related to the origin of banks, their activities. Also, concepts about the working principles of Islamic banks, their advantages and disadvantages from conventional commercial banks are given.

Key words: islam, bank, interest, murabakha, mudaraba, musharaka, rent, salam, sukuk, takaful.

04/2018

For citation: А.А.Темиров. ИСЛОМИЙ БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 34-41

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг иқтисодийтни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида мамлакатимизда исломий молия муассасаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу ҳаракат ўз навбатида исломий молиявий маҳсулот ва хизматларни кенг таништириш имкониятини яратиб беради. Мазкур ҳаракатларнинг муваффақиятли бўлиши кутилмоқда, чунки барча давлат органлари, хусусан молия вазирлиги ва давлат солиқ қўмитасида ҳам ушбу ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланган. Иломий молия муассасалари фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган мақсад Яқин Шарқ ва Жануби-ғарбий Осиёдан Ўзбекистон Республикасига инвесторларни кенгроқ жалб этишдир.

Иломий молиялаштириш кўпчилик мамлакатларда молиявий саводхонликни оширишга хизмат қилади. Айрим мамлакатларда маҳаллий кредиторлар томонидан баъзи исломий молия маҳсулотлари таклиф этилган, таклиф этилаётган лойиҳалар эса уларни янада арзонлаштириши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидан АТ "Трастбанк" ва ХАТБ "Инфинбанк" хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси билан битим имзолаган. Иломий банкларнинг фаолият кўрсатишининг асоси бўлиб, Ислон дини қонун-қоидалари ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW)

Иломий банклар бўйича илмий изланишлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан кенг ўрганилмаган. Иломий банкларнинг фаолият соҳаси бўйича мамлакат олимларининг мақолалари, илмий изланишлари бўйича айрим материаллар чоп этилган. Республикаимизда исломий банклар ва уларнинг фаолияти соҳаси бўйича Б.Жўраев ва бошқа олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган [9]. Хорижлик олимлардан асосан, М.Аюб томонидан исломий молиялаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари [2], Ф.Тейлор исломий молиялаштириш усулларини [5], Э.Хавари, В.Грейс ва З.Иқбол томонидан исломий молиявий ташкилотларнинг бошқариш жиҳатлари [3], Г.Карағўз томонидан эса ислон банкларида молиялаштириш амалиёти соҳаси кенг ўрганилган [4]. МДХ давлатларининг қатор иқтисодчи олимлари исломий банкларнинг иқтисодийтадаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритишиб, банк ишида янги инновация сифатида исломий молиявий маҳсулотларга эътиборларини қаратишган. Жумладан, рус олимларидан Н.Львова ва А.Журавлевлар томонидан исломий банкларнинг фаолият тамойиллари ўрганилган бўлса [7], А.Петров ва И.Зариповлар томонидан эса исломий банкларнинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган [8].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)

Мазкур мақолани тайёрлашда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)

Фоизсиз банк дастлаб Мисрда Мит Гамр провинциясида пайдо бўлган. Мазкур молиявий муассаса ўша пайда, Мисрдаги барча банкларнинг давлатлаштирилишига қарши альтернатив сифатида ташкил этилган. Миср

деҳқонининг экин ва тижорий эҳтиёжларини қоплашга қаратилган ва уни молиялаштиришда тафаккул (суғурта)га асосланган, кейинчалик venture-capital (рискли капитал) билан пул вақфи каби аралаш моделда фаолиятга юритган ушбу молиявий муассасага банк сифатларини берилиши баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Мазкур молиявий муассаса бир томондан банк, бошқа томондан эса тижорий шерикчилик (фойда ва зарарга шерикчилик), тафаккул (суғурта), бартер, лизинг, факторинг ва бошқа молиявий усулларнинг бир жойда ва бир вақтнинг ўзида амалга ошираётган ўзга хос бир модел ҳисобланади [4].

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг дунё иқтисодчилари янги, инновацион молиялаштириш усуллари ҳақида бош қотира бошладилар. Шариат талабларига тўлиқ жавоб берадиган исломий молиялаштириш тизимига нафақат мусулмон мамлакатларида, балки мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам катта эътибор қаратила бошлади. Мазкур тизимнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида фойсиз банклар ёки бошқача айтганда исломий банкларнинг ўрни беқисдир.

Фойзининг Исломда тақиқланганлиги сабабли ҳозирги кунда мусулмон жамоаларида тўпланиб қолган муомаладан ортиқча пул ресурсларини иқтисодиётга қайта тақсимланиши учун фойсиз банкларга эҳтиёж сезилмоқда. Иломий банклар айнан ушбу пул ресурсларини иқтисодиётнинг турли соҳаларига фойсиз шаклда жойлаштириш операцияларини амалга оширади. Иломий банклар ўз фаолият тамойилларини Қуръон ва Суннатга асосланган исломий қоидаларга кўра олиб боради [7].

Иломий банкларнинг мавжуд бўлиши сабаби ҳамда олтин қоидаси фойсизлик тамойилидир. Фойсизлик тамойилини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Пул ресурсларини шакллантиришда фойда ва зарарга шерик бўлишга асосланиш ҳамда мижозга барқарор тушумни таъминламаслик.

2. Ресурслардан фойдаланишда кредит бермасдан, мижознинг эҳтиёжи бор товар (хизмат)ларни унинг сотувчисидан сотиб олиб, мижозига муддатли сотиш ёки ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда уларнинг лойиҳасида иштирок этиш.

Иломий банклар ўз фаолиятини фойсиз асосга кўра ташкил этганлиги ҳамда молиявий рискларга шерик бўлишлари сабабли анъанавий банклардан тубдан фарқ қилади. Демак, исломий банк ўзининг пул ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш йўллари шерикчилик асосида ташкил этган, фаолияти давомида фойс ўрнига фойда ёки зарар олишни мақсад қилиб, ана шу мақсад йўлида фаолият юритаётган молиявий муассасадир.

Иломий банкларга бўлган эҳтиёж ва улар ривожлантиришнинг бир қанча сабаблари мавжуд. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Диний сабаблар. Ислом динидан бошқа динларда фойсга нисбатан муносабатларнинг пасив (ёки юмшоқ) даражада эканлигини кўпчиликка маълум. Исломда эса фойзининг ҳаром эканлиги барча диний манбаларда келтирилган, шу сабабли ҳам, фойздан эҳтиёткор бўлган шахсларнинг пул ресурсларини иқтисодиётга йўналтирилиши учун янги банк тизимига эҳтиёж сезилди. Бу эҳтиёж исломий банклар томонидан амалга оширилади.

2. Иқтисодий сабаблар. Иломий (фойсиз) банкларнинг ташкил этилишига қуйидаги иқтисодий сабабларни кўрсатиш мумкин:

- мусулмон давлатларининг 1970 йилларда нефтдан қўлга киритган даромадларининг нефте-доллар номи билан Фарб иқтисодиётига "оқиб ўтиши"

кучайди. Натижада мазкур давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида Ғарб мамлакатларидан орқада қола бошлади;

-пул мабалаглари ортиқча бўлган ва капитал етишмовчилиги мавжуд бўлган мусулмон давлатлари ўртасидаги шерикчилик алоқаларининг йўлга қўйилишига эҳтиёжнинг ортиши ва кучайиши;

-мусулмон мамлакатларида анъанавий банкларнинг узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ўрнига қисқа муддатли кредитлаш амалиётига ўтиши, бунинг натижасида эса макроиқтисодий ривожланишнинг орқада қолиши;

-исломий банкларнинг анъанавий банкларга нисбатан пул ресурсларини шерикчилик асосида таклиф этиши ва натижада корхоналар фаолиятининг ривожлантирилишига ҳисса қўшиши.

3. Ижтимоий сабаблар. Мусулмон мамлакатларида ортиқча пул ресурслари ва арзон иш кучининг мавжудлиги ҳолати исломий банкларга бу икки ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро муносабатга киришига ёрдам бериш имконини беради. Чунки исломий банкларда пул ресурслари фоиз келтирмайди, балки томонларнинг келишувига асосан фойдасига шерик бўлинади. Ишончли пул ресурслари ва иш кучининг бирлашуви даромаднинг тақсимланишида адолатнинг таъминланишини, бинобарин, адолатли давлат тушунчасини кучайишига ҳисса қўшади. Шунингдек, исломий (фоизсиз) банклар бандликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи ўринга эга. Демак, жамият ҳаётидаги бой ва камбағал қатламлар орасидаги адолатсизликни бартараф қилишда исломий (фоизсиз) банклар муҳим ролни ўйнайди.

4. Сиёсий сабаблар. Саудия Арабистони ва Эрон каби давлатларда 1970 йиллардан бошлаб исломий банклар ҳеч қандай танловларсиз, Покистон ва Индонезия каби давлатларда эса босқичма-босқич шаклда фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек,

-исломий (фоизсиз) банк тизими фаолиятининг кенгайиши муносабати билан мусулон давлатларининг мазкур банклар орқали жалб қилинадиган хорижий капиталдан маълум қисмини қўлга киритиши;

-фоизни ҳаром ҳисоблаган ва жамғармаларини "ёстиқ ичига" жойлаган кичик жамғармачилар бўш пул маблағларини молиявий тизимга тортиш ҳамда Араб давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни яхшилаш кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анъанавий тижорат банклари мижозларига хилма-хил банк хизматларини таклиф этаётган бўлса-да, уларнинг ичида энг катта қисмини фоиз асосидаги кредитлаш операциялари ҳисобланади. Шариятга кўра, фоиз асосида фаолият кўрсатиш жамоавий судхўрлик ҳисобланади. Шу сабабли исломий банклар фаолиятида ўзига хос бўлган ва анъанавий банк муассасаларидан фарқланувчи исломий қондаларга асосланган турли хилдаги усулларидан фойдаланади.

Исломий банклар ўз фаолият функцияларини фоизсиз тартибда амалга оширадиган молиявий муассасалардир, шунингдек ресурсларни шерикчилик асосида қайта тақсимлашни амалга оширади [2]. Шерикчилик асосида ташкил этилганлиги учун ҳам анъанавий банк тизимида белгиланган миқдордаги фоиз ўрнига фаолият сўнггида миқдори аниқ бўладиган фойда (ёки зарар)дан улуш олади.

Исломий банклари қуйидаги тамойилларга кўра фаолият юритади:

-фоизсизлик;

- шерикчилик;
- ҳаромдан сақланишлик;
- молиявий (банк) маҳсулотларининг қонунийлиги;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни назорат қилиш;
- ишонч ва ахлоқчилик ва бошқалар.

Ҳозирги кунда исломий (фоизсиз) банклар фаолиятига пул ресурсларини жалб қилиш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда:

1. Жорий ҳисобрақамлар. Мазкур ҳисобрақамлар мазмунан аънавий банк тизимидаги талаб қилиб олингунча ёки муддатсиз депозит ҳисобрақами билан бир хилдир. Ҳеч қандай муддат белгиланмаган ва исталган пайтда ҳеч қандай тўсиқларсиз унинг эгаси томонидан қайта олиб кетилиши мумкин. Бу ҳисобрақам Исломий банкка берилган қарз сифатида кўрилади, унинг ресурсларидан банк бемалол фойдаланиши мумкин. Энг асосийси, мазкур маблағлардан фойдаланиш жараёнида шакланган фойда фақат банкка тегишли бўлади. Истисно ҳолатида, айрим сабабларга кўра, банк маблағларни тўла ишлатиб қўйганда ёки қайтара олмаслик вазиятига тушганда ҳисоб эгаларининг қарзини тўлашга мажбурдир.

2. Ислом банкининг фойдаси ва зарарига қўшилиш масадида очилган ҳисобрақам. Мазмун жиҳатдан мазкур ҳисобрақам аънавий банк тизимидаги муддатли депозит ҳисобрақамига яқиндир. Ушбу ҳисобрақам эгаси билан банк ўртасидаги муддатли битим тузилади. Бу даврда банк ҳисоб эгаларининг фойда олишига тўлиқ қафолат бермайди, чунки банк қанча фойда олишини олдиндан прогност қила олмайди, бироқ исломий банкларда мазкур турдаги (исломий банкнинг фойдаси ва зарарига қўшилиш масадида очилган ҳисобрақам) депозитлар мутахассислар томонидан аниқлик билан ишлатилаётганлиги боис, зарар эҳтимоли йўқ ҳисобида бўлади.

Исломий банклар фаолиятида жалб қилинган пул ресурсларидан фойдаланиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилмоқда:

1. Мурабаха. Мурабаха баҳоси "таннарх + фойда даражаси" формуласи билан ҳисобланган спот келишувидир. Мурабаха усулида банк мижозларининг талаб қилган товарларини сотиб олиб, юқорида келтирилган формула бўйича белгиланган баҳоларда сотади. Бу тизимда мижоз товарнинг таннархи ва банкнинг фойдаси бўйича олдиндан маълумотга эга бўлади. Қулай ва фойда даражаси юқори бўлган бу усул исломий банкларнинг энг кўп қўллаётган усули бўлиб ҳисобланади. Мазмун жиҳатдан бу усул кўпроқ истеъмол кредитига яқиндир.

2. Ижара (лизинг). Ижара арабчада вақтинчалик фойдаланганлик учун бериладиган тўлов маъносига келади. Бугунги кунда исломий банклар лизинг деб аталадиган ижара усули билан мижозларга хизмат кўрсатмоқдалар. Ижара асосан ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш усули бўлиб, ижарага берувчи (банк) ва ижарага олувчи (мижоз) ўртасида тузилган шартномага асосланади. Шартномада ижаранинг миқдори ва муддати белгиланади. Ижарага берилган товарнинг эгаллиги исломий банкка тегишлидир, ижарачи мижоз эса товардан фойдаланади ҳамда фойдаланганлиги учун белгиланган муддатда ижара тўловини амалга оширади. Ижара муддати тамом бўлганидан сўнг мулк эгаллиги шартнома шартлари бўйича аниқланади.

3. Мудараба. Мудараба бир томон (мижоз)нинг меҳнати, билими ва тажрибаси, бошқа томон (исломий банк)нинг капитали билан биргаликда юртиладиган фаолият ҳисобланади. Исломий банк тизимида капитал эгаси Раб ал-Маал, ундан

фойдаланувчи Мудариб ҳисобланади. Мудариб капитални аввалдан режалаштирган фаолиятига фойда олиш мақсадида киритади. Агар фаолият зарар билан якунланса, Мударибнинг ҳаракатлари зое кетганлигини билдиради, ўз навбатида капитал эгаси фаолиятига ҳам салбий таъсир қилади. Мударибнинг эҳтиётсизлигидан юзага келган ёки тарафлар орасидаги келишув шартларига риоя этилмаганлиги сабабидан вужудга келган зарарлар Мударибга оид ҳисобланади. Капиталдан фойдаланувчи (мудариб) инвестицияни амалга ошириш бўйича шартнома имзолаганидан сўнг ўзининг фойда миқдори (даражаси)ни қарши томонган билдиради, шунингдек маблағларнинг миқдори ва шартига мувофиқ, банк инвестиция иштирокчисидан турли даражадаги фойда миқдорини ҳам талаб қилиши мумкин. Бу усул банк томонидан капитал сарфлаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бозорга янги кирган салоҳиятли, бироқ молиявий мабалаглари оз бўлган шахс (тадбиркорлик)нинг салоҳиятини юзага чиқаришнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади.

4. Мушарака. Ислом ҳуқуқида ширкат ул-инан дея ном олган мушаракада томонлар ҳам капитал, ҳам меҳнат томонидан баробар бўладлар. Мушарака орқали молиялаштиришда Исломий банк шерикчиликнинг иккинчи томони бўлган мижоз томонидан фаолият эҳтиёжи учун зарур бўлган молиявий ресурсларини беришга маъсулдир. Капитал киритаётган иккинчи томон (мижоз) эса ўзининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, лойиҳа учун зарур мабалағларнинг қолган қисмини таъминлайди. Иккинчи томон инвестиция объекти бўлганлиги учун ҳам лойиҳани амалга оширилиши учун олинган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш ва назоратига маъсулдир, шунингдек шерикчилик фаолияти бўйича ҳисобот беришни ҳам ўз зиммасига олади. Бундай жавобгарлик албатта мижознинг фойдадан кўпроқ улуш олиш имкониятини юзага чиқаради. Ушбу усулда соф фойда томонлар (банк ва шерик-мижоз) ўртасида шундай тақсимланади: Шерик-мижоз бажарилган иш ва мутахассислиги учун фойдадан алоҳида бир улуш олади, фойданинг қолган қисми эса умумий киритилган инвестициядаги улушига нисбатан тақсимланади. Зарар юзага келган ҳолда эса фақатгина умумий киритилган инвестициядаги улушига нисбатан тақсимланади. Мижоз ортиқча бир зарар кўрмайди. Ислом банклари мушарака усулидаги фойда тақсимотида корхоналар фаолиятида бажариладиган иш (меҳнат)ларининг миқдори билан ўлчашни ёқлаб чиққан Ҳанафий ва Ҳанбалий маҳзабларининг қарашларини қабул қилган ҳолда амалиётга татбиқ этган.

5. Салам маълум бир товар ёки хизматнинг баҳосини олдиндан тўлиқ тўлаб, келажакда маълум муддатларда сотиб олиншидир. Банк пулини тўлиқ тўлаганидан сўнг келгусида ишлаб чиқариладиган товарларни сотиб олади, фақат бу товарларни сотиш учун бир муддат кутиши зарур бўлади. Ислом ҳуқуқига кўра, пул, қимматбаҳо металллар ва пулга ўхшаш воситаларни мазкур усул билан сотилишидан олинган даромадлар фоиз деб қабул қилинганлиги сабабли мазкур операциялар бўйича даромадлар олиш тақиқланади.

6. Истисна. Ишлаб чиқарувчининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мижоз томонидан белгиланган бир маҳсулотни маълум нарҳда ишлаб чиқариши мажбуриятини олган шартнома ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, айна вақтда бўлмаган ва келгусида ишлаб чиқариладиган товарнинг сотилиши билан боғлиқ шартнома. Бу тизим кўпинча қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасида қўлланилади. Мижоз аванс тўлаганидан сўнг, қолган миқдорларни бўлиб тўлаш билан банкка қайтаради.

Исломий банклар томонидан юқорида келтирилган бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION / RECOMMENDATIONS)

Ўрганишлар асосида исломий банк тизимининг ўзига яраша устун ва заиф томонлари мавжуд эканлигини кўрсатди. Мазкур банк тизимининг анъанавий банк тизимига кўра устун томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Исломий банк тизими фаолият кўрсатаётган давлатларга Форс кўрфази мамлакатларидан пул ресурслари кириб келади.

2. Нефть заҳираларига эга бой мусулмон давлатлари билан бу тизим орқали молиявий алоқалар ва ўзаро манфаатлар ривожлана бошлайди.

3. Исломий банк тизимида шаклланган молиявий ресурслар асосан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилмоқда.

4. Исломий банклар томонидан товар ва хизматларнинг молиялаштирилиши туфайли бозорлардаги норасмий тижорат ҳажмини камайишига олиб келади, бу ўз навбатида давлатнинг даромад манбаларини ортишига олиб келади.

5. Исломий банклар томонидан товар ва хизматлар тўловларини бўлиб тўлаш йўли билан молиялаштирилганлиги мижоз-корхоналарнинг молиявий ҳолатини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

6. Исломий банклар томонидан олинган ресурслар бўлиб-бўлиб қайтарилиши сабабли корхоналар томонидан мазкур маблағларни қайтарилишини назорат қилиш имконияти мавжуддир.

7. Исломий банклар корхоналарнинг молиявий қийинчилиги (ёки кризиси) даврларида анъанавий банклардан фарқли равишда кредитларини қайтариб олишга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳолат корхоналарни молиявий қийинчилиги (ёки кризиси) даврларида рискдан ҳимоя қилишини таъминлайди.

8. Исломий банклар молиялаштиришда тўлов муддатлари савдо шартномасининг аввалида белгиланади. Шу сабабли ҳам молиялаштириш (кредит)нинг таннарихи корхона учун молиялаштириш (кредит)дан фойдаланиш бошида белгиланганлиги мижозга сумманинг миқдорини харажат таркибидаги миқдорини аввалдан билиш имконини беради.

Исломий банк тизимининг юқорида келтирилган устун томонлари билан бирга унинг айрим заиф томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Исломий банклар депозит эгаларига фоизли даромад бермаганликлари учун ҳам инвесторлар (ресурс эгаси) нуқтаи назаридан уларга даромад бериш бўйича ноаниқликлари мавжуд.

2. Исломий банклар молиялаштиришни бўлиб-бўлиб бериш усули билан амалга оширмоқдалар. Бунда молиялаштириш маблағлари ичида асосий пул ва фойда ётади. Узоқ муддатли молиялаштириш (кредитлаш) амалга оширилганда банк молиялаштиришдан оладиган фойдани узоқ муддат давомида қўлга киритади, шунингдек олинган фойданинг маълум бир қисмини депозит эгаларига фойда сифатида тақсимлайди. Шу сабабли ислом банкларининг депозитларга тўлаган фойдаси анъанавий банкларнинг депозитларига бераётган фоиз тўловларига нисбатан паст даражада қолмоқда.

Исломий банк тизими молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш имконини ҳалол шаклда берадиган ҳамда фоизни қатъиян ман қилинган тизимдир. Бу тизим фойда олиш билан бирга юзага келган зарарларни ҳам қоплаш тамойилига содиқ қолиб, мижозлар (корхоналар)нинг молиявий

рискарлига шерик бўлишигача боради. Исломиий молиявий ташкилотларга қилинган инвестициялар ҳеч қандай спекулятив тарзда амалга оширилмайди, бундай хусусият алоҳида олинган инвестиция сиёсати, риск тақсимооти ва оқилонга бошқариш усуллари билан таъминлашга эришилмоқда.

References

1. Aktepe İ. Sorularla Katılım Bankacılığı, Türkiye Katılım Bankaları Birliği, İstanbul, 2014.
2. Ayub M. Islamic Banking and Finance: Theory and Practice // State Bank of Pakistan Press, Karachi, Pakistan. 2002.
3. El-Hawary, D., Grais, W., Iqbal, Z. Regulating Islamic Financial Institutions: The Nature of the Regulated // World Bank Working Paper 3227. Washington: World Bank. 2004.
4. Karagöz G. İslami Bankacılık. Garanti_ dergisi. Temmuz 2012.
5. Taylor F.M. Islamic Banking – the Feasibility of Establishing an Islamic Bank in the United States//American Business Law Journal. – New York, 2003. – № 40. –P. 387-388;
6. Журавлев А.Ю. Принципы функционирования исламских банков // Исламские финансы в современном мире. Экономические и правовые аспекты. – М., 2004. – С.49-126;
7. Львова Н. Исламские банки: особенности, проблемы, перспективы развития. Вестник СПбГУ. Сер. 5. 2013, -с.100
8. Петров А., Зарипов И. Исламские банки: концепция, история возникновения, современное состояние и перспективы развития // Деньги и кредит. – М., 2002. – № 10. – С. 51-55;
9. Харун С., Нурсафиза В. Исломиий молиялар ва банк тизими фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Б.ЖГраев таржимаси. –Т.:Ўзбекистон, 2014.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Халилов Мухриддин Убайдулло ўғли

ТошДШИ, "Ташқи иқтисодий фаолият"
йўналиши 1-курс магистранти
uz.yigit8060@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-7>

АФРИКА МИНТАҚАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДЕМОГРАФИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола глобаллашув шароитида мамлакатларнинг замонавий демографик тенденциялари, минтақавий меҳнат бозорлари, хусусан, Африка минтақаси мамлакатларининг ички ва халқаро миграцияда иштироки ва йиллар бўйича таркибий ўзгаришларига бағишланган. Илмий мақолада минтақанинг демографик жараёнларининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, мазкур жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари ва минтақа мамлакатларининг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувининг замонавий йўналишлари билан боғлиқ масалалар атрофича таҳлил қилинган ва бу борадаги зарур хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: демография, фертиллиқ кўрсаткичи, болалар ўлими, меҳнат миграцияси, халқаро меҳнат бозори, миграция, ишсизлик, меҳнат мигранти, ноқонуний миграция, мигрантлар оқими, интеграция.

Халилова Мухриддина Убайдулло угли

Магистрант 1 курса
Ташкентского государственного института
востоковедения

СОВРЕМЕННЫЕ ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ В АФРИКАНСКОМ РЕГИОНЕ

Аннотация: Эта статья посвящена современным демографическим тенденциям стран в условиях глобализации, региональным рынкам труда, в частности участию стран африканского региона во внутренней и международной миграции и структурных изменениях на протяжении многих лет. В статье анализируются вопросы формирования и развития демографических процессов в регионе, особенности государственного регулирования этих процессов и современные тенденции интеграции стран региона в международный рынок труда, а также сделаны необходимые выводы.

Ключевые слова: демография, рождаемость, детская смертность, трудовая миграция, международный рынок труда, миграция, безработица, трудовая миграция, нелегальная миграция, миграционный поток, интеграция.

MODERN DEMOGRAPHIC TRENDS IN THE AFRICAN REGION

Annotation: This article focuses on the contemporary demographic trends of the countries in the context of globalization, the regional labor markets, in particular the participation of African region countries in domestic and international migration and structural changes over the years. The article analyzes the issues of the formation and development of demographic processes in the region, the specific features of the state regulation of these processes and modern trends in the integration of regional countries into the international labor market, and it brings necessary conclusions in this field.

Key words: demography, fertility, child mortality, labor migration, international labor market, migration, unemployment, labor migration, illegal migration, migration flow, integration.

For citation: Халилов Муҳриддин. АФРИКА МИНТАҚАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДЕМОГРАФИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 42-47

КИРИШ

XIX асрача дунё аҳолисининг сони анча секин ўсиб, 1820 йилга келиб бир миллиард кишига етди. Бу жараён аҳолининг табиий ўсиши пастлиги билан белгиланган эди, чунки ўтган тарихий bosқичларда ҳам туғилиш, ҳам ўлим кўрсаткичлари юқори бўлиб, улар орасидаги фарқ жуда кичик даражада эди. 1960 йилга келиб дунё аҳолиси уч миллиард кишига етди. 1999йилда олти миллиард киши, 2017йил ҳолатига жаҳон аҳолиси сони 7,5 миллиард киши атрофида ва ўсиши давом этмоқда[1]. Назарийта олимларга кура, жамиятда аҳолининг такрор барпо бўлиши тўртта та bosқичдан ўтиб ўзгариб боради. Дастлабки, биринчи bosқичда туғилиш билан ўлим жуда юқори бўлиб, орасидаги тафовут, яъни аҳоли табиий кўпайиши минимал даражада сақланади. Кейинги, иккинчи bosқич давомида ўлим даражаси кескин камаяди ва аҳоли юқори сурьатларда ўсади. Учинчи bosқичда ўлимнинг пасайиш жараёни тугаб, туғилиш камайиб боради. Якуний, 4 bosқичда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари анча паст бўлиб, табиий кўпайиш минимал даражада кузатилади ва "замонавий барқарорлик" ҳолати юзага келади[1].

Дунёнинг турли мамлакатлари демографик ўтишнинг ҳар хил bosқичини бошдан кечирмоқда. Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби ривожланган мамлакатлар 4-bosқичда бўлиб, туғилиш ва аҳоли табиий кўпайишининг пастлиги билан ажралиб турибди. Демографик ўтиш жараёнининг энг паст сурьатлари биз ўрганаётган минтақа - Африка давлатлари учун хос. Айниқса, Ғарбий, Марказий ва Шарқий Африка мамлакатларида туғилиш ва аҳоли табиий кўпайишининг юқори даражалари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2018 йил яқунлари бўйича, жаҳоннинг аҳоли табиий кўпайиш сурьатлари бўйича 10 та етакчи давлат ичида 9 таси Африка материғида жойлашган, биринчи бешликдан эса фақат Африка мамлакатлари (Малави, Уганда, Бурунди, Нигер, Мали) жой олган.

Мамлакатларнинг демографик тенденцияларини ўрганар эканмиз, уларнинг юқорида таъкидланган кўрсаткичлар асосида халқаро меҳнат бозоридагини иштирокига алоҳида тўхталиш лозим. Умуман олганда, глобаллашув шароитида дунё мамлакатларининг деярли барчаси меҳнат ресурсларини етказиб берувчи ёки уни қабул қилувчи ёхуд транзит хусусияти билан халқаро меҳнат бозори иштирокчиларига айланмоқда. Ҳозирги кунга келиб халқаро меҳнат бозорига иштирок этиш нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро меҳнат бозори - зарур ишчи кучини танлаб олиш учун унга бўлган талаб ва таклифни давлатлараро миқёсда тартибга солиш жараёнларида иштирок этувчи ҳамда мамлакат ташқарисидаги ишчи кучини сотувчи ва харидорлари доимий равишда фаолият юритувчи халқаро даражадаги бозор бўлиб, унинг шаклланиши сапитал ваа меҳнат мигратсияси; миллий меҳнат бозорларининг қўшилиб, умумий меҳнат бозорининг шаклланиши орқали амалга оширилади[3].

Ҳозирги кунда дунёда бир нечта йирик халқаро меҳнат бозорлари мавжуд бўлиб, улар қаторига АҚШ, Фарбий Европа, Австралия, нефт қазиб олувчи Яқин Шарқ мамлакатлари, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Лотин Америкаси, Россия Федерацияси ва Африкани киритиш мумкин. Бундай меҳнат бозорларидан бири Африка меҳнат бозори бўлиб, унинг аҳолиси бугунги кунда қарийб 1.3 миллиард кишига етган. Минтақа 5 та - Шарқий, Фарбий, Шимолий, Ўрта ва Жанубий Африка субрегионларига ажратилган.

Ушбу минтақа умумий 54 та мамлакатдан ташкил топган. Дунё бўйича аҳоли қатлами энг ёш бўлган минтақа бу Африкадир. Минтақада аҳоли йиллик ўсиш сураъти Нигерия ва Угандада нисбатан паст, лекин қолган мамлакатларда йиллик ўсиш 2 %дан юқорини ташкил этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW)

Замонавий демографик жараёнларнинг моҳияти, унинг назарий ва услубий асослари, шунингдек халқаро меҳнат бозорининг шаклланиш омиллари, фаолияти ва ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ масалаларга мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Хусусан, халқаро меҳнат бозори ва ундаги меҳнат миграцияси жараёнларининг назарий масалалари хорижлик олимлар Э.Равенштейн, Карр-Саундерс, А.Сови, Ж.Боржас, Дж.Саймон, В.Бёнинг, Д.Массей, Хеин де Хаас, Кристофер С.Уайт каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган[5]. Шунингдек, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Э.Плетнев, Р.Цвылев, А.Жирицкий, Л.Рыбаковкий, В.Иончевлар тадқиқотларида халқаро меҳнат бозорининг назарий-услубий асослари чуқур тадқиқ этилган[5].


Ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро меҳнат миграциясининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, унинг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги ҳамда мазкур жараённинг истиқболлари Л.Максакова, меҳнат миграцияси илмий концепцияларининг эволюцияси, унинг меҳнат бозори ва иқтисодийнинг ривожланишидаги аҳамияти, МДХ мамлакатларидаги, хусусан Ўзбекистондаги меҳнат миграциясининг ўзига хос хусусиятлари Д.Расулова, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси ривожланишининг замонавий тенденциялари, унинг меъерий-ҳуқуқий асослари ва у билан боғлиқ муаммолар ҳамда меҳнат мигрантларининг пенсия таъминоти каби масалалар Б.Умурзаков ва Ш.Исакуловларнинг илмий

ишларида тадқиқ этилган[3] ҳолда, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви, унинг замонавий йўналишлари ва мамлакатда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари уларда ўз ечимини топмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)

Африкадаги демографик кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз минтақа аҳолисининг 41%ини 15 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Лекин шунга қарамай, минтақада ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи паст (52 ёш). Минтақада чақалоқлар ўлими ҳам юқори бўлиб, Малида бу кўрсаткич ҳар мингта чақалоққа 102 тани ташкил этади. Африка минтақасининг энг кўп аҳолига эга мамлакатлари бу – Нигерия (183.5 млн), Эфиопия (98 млн), Миср (84.7 млн), Конго Республикаси (71.2 млн) ҳисобланади. Шу ўринда, статистик ҳисоб-китобларга кўра 2100-йилга бориб Нигерия аҳолиси бўйича дунёда 1 млрд кўрсаткич билан 3 ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

Мазкур минтақадаги аёллар сони эркеклар сонидан сезиларли катта бўлиб, эркекларнинг сони 2008 йилда 491,1 млн. кишидан 2014 йилда тахминан 574,8 млн. кишига ўсган бўлса, ҳудди шу даврда аёллар сони мос равишда 500 ва 583.4 млн.ни ташкил этди.(1-расм)




1-расм. Африка минтақаси демографик кўрсаткичи.(2008-2014-й.)

Биламизки, мамлакат меҳнат ресурсларини баҳолаганда 15 ёш ва undan юқори ёш қатлами ҳисобга олинади. Ҳозирда минтақада умумий 455.9 млн ишчи кучи мавжуд[12]. Улар таркибида эркеклар 255.7 млн ва аёллар улуши 200.2 млн.ни ташкил этади. Нигерия минтақада 72.9 млн меҳнат ресурслари сони билан ушбу кўрсаткичда етакчилик қилади. Undan кейинг ўринларни Эфиопия, Конго Республикаси, Миср, Танзания ва Жанубий Африка Республикаси эгаллайди.

Африка минтақаси ички ва халқаро миграцияда ўзининг узоқ тарихига эга. 2015 йил маълумотларига кўра дунё бўйича халқаро мигрантлар сонининг 14%, Европадаги халқаро мигрантларнинг 12%и айнан Африка минтақасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда минтақада 32 млн одам халқаро миграцияда иштирок этади (2-расм). Бу мигрантларнинг асосий қисми Сенегал, Кения ва Буркина Фасо мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Минтақадаги халқаро миграцияда қатнашадиган аҳолининг 70-80%ини 15-34 ёшдаги қатлам ташкил қилади [13].



2-расм. Африкалик мигрантларнинг минтақалар бўйлаб жойлашуви.(1990-2015)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Африка минтақаси бир қанча кўрсаткичлар - аҳоли сони, аҳолининг ёш таркиби, ишчи кучи сони, халқаро миграцияда қатнашувчилар бўйича сон жиҳатдан йирик бўлса ҳам, аммо соғлиқ даражаси, саводхонлик даражаси, ишчи кучи лаёқати, узоқ умр кўриш кўрсаткичлари бўйича жуда паст ўринда ҳисобланади. Масалан, минтақадаги Ангола, Ботсвана ва Габонда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони кўпчиликни ташкил қилади. Қолган деярли барча мамлакатларда саноат ва хизмат кўрсатишда банд аҳолининг гулуши кам, чунки бу соҳалар минтақада яхши ривожланмаган[14].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)

Хулоса қилиб айтганда, сўнги беш йил ичида Африка минтақаси аҳолиси йиллик 2.5% ўсиш билан энг юқори натижани қайд этмоқда. Маълумотларга кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг ? қисмини айнан Африкаликлар ташкил этади, яъни бу даврга қадар дунё аҳолиси 2.4 млрд.га кўпайса, шунинг 1.3 млрд.и айнан Африка ҳиссасига тўғри келади. Минтақада ўртача ёш 19 ёш ҳисобланиб, асосий ишчи кучини ёшлар ташкил этади. Минтақа мамлакатлари иқтисодиёти деярли диверсификациялашмаган бўлиб, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли нисбатан камчиликни ташкил этади. Минтақанинг халқаро миграцияда иштирок этувчи мамлакатлари эса фақат паст мамлакали ишчи кучини экспорт қиладилар. Умуман олганда, ҳозирда минтақа меҳнат бозоридаги жараёнларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати ўта муҳим, яъни Африка мамлакатлари аҳоли сони, унинг ўсиш динамикаси, минтақавий интеграция, дискриминация, умр давомийлиги - барча маълумотларни ўрганиши, хулосалар чиқариши ва шу орқали муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши лозим.

REFERENCES

1. Антонова, Н. Л. Демография : учеб.-метод. пособие / Н. Л. Антонова ; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. - Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 154 с.
2. Долбик-Воробей, Татьяна Александровна. Статистика населения и демография/ учебник / Москва : КНОРУС, 2018. - 314 с. - (Магистратура).
3. Максакова Л., Мамадалиева Х. Узбекистан: современные демографические тенденции. // Демоскоп Weekly. № 617-618. 3-6 ноября. 2014. С.14.
4. Бойко А.И., Карманов М.В. Экономическая демография: Учебное пособие / Московский международный институт эконометрики, информатики, финансов и права. - М.: 2003. - 64 с.
5. З.А. Қодирова. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви. Монография. Т., 2016.
6. Economic Commission for Africa: The Demographic profile of Africa. UN 2018
7. International migration report 2018. UN. N.Y. 2018. P.4.
8. Migration and remittances factbook 2018. World bank group. P.14.
9. Федерал миграция хизмат маълумотлари //www.fms.gov
10. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати маълумотлари//www.migration.uz
11. <https://www.unfpa.org/world-population-trends>
12. <https://data.worldbank.org/indicator/SL.TLF.TOTL.IN>
13. <http://www.pewresearch.org/fact-tank/2018/02/28/international-migration-from-sub-saharan-africa-has-grown-dramatically-since-2010/>
14. <http://www.fao.org/3/a-i7468e.pdf>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Қодирова Зулайхо Абдухалимовна

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
"Халқаро иқтисодий муносабатлар"
кафедраси мудири, PhD
kzulayho@gmail.com

Раимбоева Машхура Давронбек қизи

Тошкент давлат шарқшунослик институти
1-курс магистранти



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-8>

АҚШ ХАЛҚАРО МЕХНАТ БОЗОРИ
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Ушбу илмий мақола АҚШда меҳнат миграцияси жараёнларининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг замонавий тенденцияларига бағишланган. Илмий мақолада АҚШдаги миграция жараёнларининг ривожланишининг асосий омиллари ва оқибатлари, мазкур жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек мамлакатнинг мазкур соҳада олиб бораётган сиёсати ва уларнинг миграция жараёнларининг ривожланишида тутган ўрни каби масалалар атрофлича таҳлил қилинган ва бу борадаги зарур хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: миграция, халқаро меҳнат бозори, меҳнат миграцияси, меҳнат мигранти, иммигрант, иммиграция, АҚШ халқаро меҳнат бозори, ноқонуний миграция, мигрантлар оқими, миграция сиёсати.

Қодирова Зулайхо Абдухалимовна

Заведующий кафедрой - Ташкентский
государственный институт востоковедения
"Международные экономические отношения", к.э.н.

Раимбоева Машхура Давронбек қизи

Магистрант 1 курса
Ташкентского государственного института
востоковедения

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ
МЕЖДУНАРОДНАЯ РЫНКА ТРУДА США

Аннотация: Данная научная статья посвящена особенностям формирования и развития процессов трудовой миграции в США и их современным тенденциям. В научной статье всесторонне анализируются вопросы развития основных факторов и последствия миграционных процессов в США, особенности

04/2018

государственного регулирования этих процессов и политика страны в этой сфере и их роль в развитии миграционных процессов, а также разработаны заключения в этом направлении.

Ключевые слова: миграция, международный рынок труда, трудовая миграция, трудовой мигрант, иммигрант, иммиграция, международный рынок труда США, нелегальная миграция, поток мигрантов, политика миграции.

Kodirova Zulayxo Abduhalimovna

The head of the department of the "International Economic Relations" of the Tashkent State Institute of Oriental Studies, Ph.D.

Raimboeva Mashhura Davronbek qizi

1-st course Master student of Tashkent State Institute of Oriental Studies

MODERN TENDENCIES OF DEVELOPING OF INTERNATIONAL LABOUR MARKET OF USA

Annotation: The present article is dedicated to specific properties of formation and developing of labor migration processes in the USA and their modern trends. The scientific article analyzes developing of the main factors and the consequences of migration processes in the USA, regulation of labor migration by the government, country's policy in this sphere and role of developing of migration processes, as well as it brings forth the conclusions in this field.

Keywords: migration, international labor market, labor migration, labor migrant, immigrant, immigration, international labor market of USA, illegal migration, migrant flow, migration policy

For citation: Қодирова Зулайхо, Раимбоева Машхура. АҚШ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 48-54

КИРИШ

Халқаро меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашиб бориш шароитида халқаро ишчи кучи миграцияси унинг негиз омилларидан бири бўлмоқда. Бунга таъсир этган асосий омиллардан бири миллий иқтисодийнинг жаҳон иқтисодиёти билан узвий боғлиқлигининг ортиб бориши, халқаро савдо муносабатларида ишчи кучи ҳаракатининг ортиши ва чегараларнинг шаффофлиги кучайиб бораётганлигидир.

Халқаро меҳнат бозори - миллий чегаралардан ўтувчи меҳнат ресурсларининг турли йўналишдаги оқимини ўз ичига олувчи ҳамда миллий ва минтақавий меҳнат бозорларини бирлаштирувчи бозордир[1]. Шунингдек халқаро меҳнат бозори зарур ишчи кучини таллаб олиш учун унга бўлган талаб ва таклифни давлатлараро миқёсда тартибга солиш жараёнларида иштирок этувчи ҳамда мамлакат ташқарисидаги ишчи кучини сотувчи ва харидорлари доимий равишда фаолият юритувчи халқаро даражадаги бозор бўлиб, унинг шаклланиши капитал ва меҳнат миграцияси ҳамда миллий меҳнат бозорларининг қўшилиб, умумий меҳнат бозорининг шаклланиши орқали амалга оширилади[2].

Ҳозирги кунда дунёда қуйидаги йирик халқаро меҳнат бозорлари фаолият юритади[3]:

1. АҚШ;
2. Ғарбий Европа;
3. Австралия;
4. Нефть қазиб олувчи Яқин Шарқ мамлакатлари;

5. Осиё - Тинч океани минтақаси мамлакатлари;
6. Лотин Америкаси;
7. Африка;
8. Россия.

XX асрнинг 70-90-йилларига келиб меҳнат ресурсларини жалб қилишининг кескин ортиб бориши ушбу халқаро меҳнат бозорларини шаклланишига таъсир кўрсатган энг асосий омил бўлган. Бугунги кунда АҚШ халқаро меҳнат бозори мобиллиги билан ажралиб турса, Фарбий Европа хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилинаётган ишчи кучи сонининг ортиб бораётмоқда. Австралия меҳнат бозори юқори малакали кадрларни импорт қилувчи мамлакат бўлса, нефть қазиб олувчи Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани ва Лотин Америкаси мамлакатлари маданий, диний ва тил жиҳатидан яқин бўлган мамлакатлардан мигрантларни жалб қилиши билан ажралиб туради.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлар бўйича департаменти жаҳон меҳнат бозорини қуйидагича таснифлайди:

- Африка;
- Европа;
- Лотин Америкаси;
- Океания;
- Осиё;
- Шимолий Америка.



1-расм. Халқаро мигрантларнинг минтақалар бўйича сони, 2017-йил (млн. киши)[6]

Юқоридаги расмни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2017-йилда жами мигрантларнинг сони 258 млн. кишини ташкил этган бўлиб, энг катта улуш, 31 фоиз, Осиёга тўғри келган. Ундан кейинги катта улуш Европага тўғри келиб, мигрантлар сони 78 млн. кишини ёки жами халқаро мигрантларнинг 30 фоизини ташкил этади. 2017-йилда халқаро мигрантларнинг 2/3 қисми Европа ва Осиё ўз меҳнат фаолиятини олиб борган. Учинчи йирик меҳнат бозори эса Шимолий Америка бозоридир, жами мигрантлар 58 млн. кишини ташкил этади.

Жаҳон меҳнат бозорини меҳнат миграцияси хажмининг тобора кенгайиб бориши натижасида шаклланиб борган халқаро меҳнат бозорларидан бири АҚШ халқаро

меҳнат бозоридир. Мазкур мамлакатда шаклланган меҳнат бозори сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, янги шароитларга тез мослашувчи ва мобиллиги юқори бўлган меҳнат ресурсларини ўзига жалб қилади. АҚШ халқаро меҳнат бозори энг хилма-хил меҳнат бозори бўлиб, 2016-йилда жами иммигрантлар сони 43,7 млн. киши бўлиб, жами аҳолиси(323,1 млн. киши)нинг 13,5 фоизини ташкил этади. 2016-йилда қабул қилинган иммигрантлар жаҳондаги иммигрантларнинг 1/5 қисми тўғри келган. АҚШ халқаро меҳнат бозорини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва унинг халқаро мигрантлар учун йирик йўналишлардан бири эканлиги ўрганишнинг долзарблигини белгилайди

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)

АҚШ 1960-йиллар охирларидан буён халқаро мигрантлар учун йирик йўналишлардан бири ҳисобланади, 2016-йилда қабул қилинган иммигрантлар жаҳондаги иммигрантларнинг 1/5 қисми тўғри келган. 2016-йилда АҚШга келган иммигрантларнинг 44 фоизи яшаб қолиш мақсадида келган мигрантлардир[4].

АҚШ халқаро меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти Европа мамлакатлари, Ҳиндистон ва Мисрдан малакали меҳнат ресурсларини импорт қилган, шунингдек 1994-йил 1-январда кучга кирган Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка келишувига кўра Мексикадан турли соҳадаги ишчи кучининг улуши юқорилиги билан изоҳланади. Мексикалик иммигрантлар жами қабул қилинган мигрантларнинг 1/3 қисми ташкил этади.

АҚШ миграция сиёсати эса тўрт йўналишга асосланади:


- 1) Оилаларнинг бирлашиши;
- 2) Мутахассис тақчил бўлган соҳаларга ишчиларни қабул қилиш;
- 3) Қочоқларни ҳимоя қилиш;
- 4) Меҳнат ресурсларини етказиб берувчи мамлакатларни ўзгартириб туриш[3].

1-жадвал.

1970-2016-йилларда АҚШдаги иммигрантлар сони ва жами аҳоли сонига нисбатан улуши[7]

Йил	Иммигрантлар сони (миллион)	Иммигрантларнинг жами аҳоли сонига нисбатан улуши
1970	9,6	4,7%
1980	14,1	6,2%
1990	19,8	7,9%
2000	31,1	11,1%
2010	40,0	12,9%
2016	43,7	13,5%


Юқоридаги жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, АҚШда 1970-йилда иммигрантлар оқимининг энг кам кўрсаткичи қайд этилган бўлиб 9,6 млн. киши бўлган, аҳолининг 4,7 фоизини ташкил этган. Ундан кейинги даврда муҳожирлар сони юқори суръатларда ортиб борган. Иммигрантларнинг жами аҳоли сонига нисбатан улуши 1980-йилда 6,2 фоиз (14,1 млн. киши), 1990-йилда 7,9 фоиз (19,8 млн. киши), 2000-йилда 11,1 фоиз (31,1 млн. киши), 2010-йилда 12,9 фоиз (40 млн. киши) ва 2016-йилда 13,5 фоиз (43,7 млн. киши)ни ташкил этган. 2016-йилда жами 1,49 млн. хорижлик мигрант ташриф буюрган бўлиб, 2015-йилга нисбатан 7 фоизга ўсган.



2-расм. АҚШда халқаро мигрантларнинг келиб чиқишига кўра минтақалар бўйича улуши, 2000 ва 2017-йил[8]

2000-йилларда АҚШдаги халқаро мигрантларнинг келиб чиқишига кўра Лотин Америкасидан ташриф буюрган мигрантлар улуши жами иммигрантлар улушида 25 фоизни ташкил этган бўлса, 2017-йилга келиб ушбу минтақанинг улуши 31 фоизга етган. Ушбу кўрсаткичда Шимолий Американинг бошқа мамлакатлари улуши эса 2000-йилда 35 фоиз бўлган бўлса, 2017-йилда улуши камайиб 28 фоизни ташкил этган, шунингдек Океания мамлакатларининг улуши 2017-йилда 5 фоизга тенг бўлган ва 2000-йилдаги кўрсаткичдан 1 фоизга ортган(2-расм).

АҚШда 1900-йиллардан кейинги даврда мигрантларнинг асосий оқими Европадан, 2000-йиллардан кейинги давр эса Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлари оқимининг лидерлиги билан изоҳланади. 2016-йилда мамлакатга Ҳинд мигрантлар сони 175,1 минг кишига тенг бўлиб, хориждан келган муҳожирлар сони бўйича энг катта улушни ташкил этган. Ундан кейинги ўринларда хитойликлар 160,2 минг киши, мексикаликлар 150,4 минг киши, кубаликлар 54,7 минг киши, филиппинликлар 46,6 минг киши ва бошқа хорижлик мигрантлар ташкил этган. Ҳиндистон ва Хитой 2013-йилда АҚШдаги йиллик мигрантлар оқими бўйича етакчи бўлган Мексикани ортда қолдириб кетди. 2016-йилда 2015-йилга нисбатан кубаликлар сони 74 фоизга ўсган бўлиб 31,5 минг кишидан 54,7 минг кишига ортган ва энг юқори ўсиш кўрсаткичини қайд этган. Энг кескин қисқариш кўрсаткичини канадаликлар ташкил этган бўлиб, уларнинг сони 43,7 минг кишидан 38,4 минг кишига, яъни 19 фоизга камайган[4].



3-расм. АҚШда истиқомат қилаётган иммигрантлар сони бўйича топ мамлакатлар, 2017-йил (киши)[9]

АҚШда иммигрантларнинг энг катта улушини ҳозирги кунда мексикаликлар ташкил этмоқда, уларнинг сони 12,6 млн. кишига тенг. Ундан кейин хитойликлар 2,4 млн. киши, ҳиндлар 2,3 млн. киши ва филиппинликлар 2,08 млн. кишини ташкил этган. Асосий иммигрантларнинг юқори улуши Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлари улушига тўғри келади (3-расм).

2-жадвал.

АҚШда ишчи кучининг асосий иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши, 2016-йил (фоизда)[9]

Соҳа	Мигрантлар	Маҳаллий ишчи кучи
Жами ишчи кучи	26 191 800	126 379 200
Жумладан		
Бизнес, менежмент, илм-фан ва санъат	31,6	38,8
Хизмат кўрсатиш	24,1	16,8
Савдо ва офис хизматлари	16,6	24,7
Шахта, қурилиш ва таъмирлаш	12,9	8
Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш	14,9	11,6

Юқоридаги жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, мигрантларнинг асосий қисми 31,6 фоизи бизнес, менежмент, илм-фан ва санъат соҳасида банд ҳисобланади. Ундан кейинги катта улушни 24,1 фоизни хизмат кўрсатиш соҳаси эгаллайди. Хизмат кўрсатиш соҳасига хос бўлган хусусият бу - ушбу тармоқда аёллар улушининг юқорилигидир. Савдо ва офис хизматларидаги маҳаллий ишчи кучи улуши 24,7 фоизга тенг бўлса, мигрантларнинг ушбу соҳада бандлар улуши 16,6 фоизга тенг. АҚШда хориждан келган ишчиларнинг юқори технологик тармоқларда фаолият олиб бориши учун юқори малака талаб этилади, мамлакатда малака эгаллаш учун шароитлар яратилади. Жумладан мамлакат интеллектуал меҳнат мигрантларини жалб қилувчи мамлакатлар қаторига киради, мазкур меҳнат бозоридида ахборот компьютер технологиялари соҳасида банд бўлганларнинг катта улуши ҳиндлар ва хитойликлар хиссасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда АҚШда асосан халқаро мигрантлар саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган ҳудудларга жалб қилинмоқда.

3-жадвал.

АҚШда иммигрантлар сони бўйича топ штатлар, 2016-йил (млн. киши)[7]

Штат номи	Иммигрантлар сони (млн. киши)
Калифорния	10,7
Техас	4,7
Нью-Йорк	4,5
Флорида	4,2
Нью Жерси	2

Юқоридаги жадвални таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2016-йилда энг катта халқаро ишчи кучи оқимини Калифорния штати қабул қилган бўлиб, жами мигрантларнинг 24,5 фоизини ташкил этади. Техасдаги жами муҳожирлар сони 4,7 млн. кишини ташкил этган, яъни жами мигрантларнинг 10,8 фоизига тенг. Нью-Йоркдаги халқаро ишчи кучи жами халқаро ишчи кучи сонининг 10,2 фоизини ташкил қилади. Мигрантларнинг 9,6 фоизини Флорида штати жалб

04/2018

қилган бўлиб, мигрантлар сони 4,2 млн. кишига тенг. 2 млн. хорижлик мигрант Нью Жерсига жалб қилинган, яъни жами мигрантларнинг 4,5 фоизига тенг.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, АҚШ халқаро меҳнат бозори энг хилма-хил ва катта меҳнат бозори бўлиб унда иммигрантларнинг малака даражаси турличадир. Шунингдек, мазкур халқаро меҳнат бозорида мигрантларга ижтимоий ҳимоя дастурлари мавжуд бўлиб, оилаларни бирлаштириш, таълим олиш ва малака эгаллаш учун шароитлар яратиш билан бирга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича дастурлар фаолият кўрсатади.

АҚШ халқаро меҳнат бозори ривожланишининг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш қуйидаги таклиф ва тавсияларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- АҚШ халқаро меҳнат бозорида мигрантларнинг таълим ва бандлик ҳизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш;
- Мигрантларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва янада такомиллаштириш;
- Мамлакатдаги реал меҳнат бозори талабини аниқлаш;
- Ноқонуний миграцияни қисқартириш;
- Мавсумий миграцияни янада қўллаб-қувватлаш.

REFERENCES

1. Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография. - Т., 2010. Б. 35
2. Томилов В.В., Смеркова Л.Н. Маркетинг рабочей силы. - М., 2004. С.245
3. Қодирова З.А. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви. - Т.: IQTISODIYOT, 2016. Б. 19-20
4. Zong J., Batalova J. and Hallock J. Frequently requested statistics on immigrants and immigration in the United States// www.migrationpolicy.org/article/frequently-requested-statistics-on-immigrants-and-immigration-in-the-united-states
5. International Migration Report 2017: Highlights. - 2017. - New York: United Nations, 2017 - p.12
6. United Nations Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2017), Trends in International Migrant Stock: The 2017 revision //bit.ly/2017Migration
7. Migration Policy Institute tabulation of data from the US Census Bureau 2010 and 2016 American Community Surveys, and 1970-2000 decennial Census data.
8. www.migrationpolicy.org - АҚШ Миграция сиёсати институти расмий сайти статистик маълумоти
9. www.pewglobal.org/2018/02/28/global-migration-stocks/?country=US&date=2017

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Muminova Maftuna Zoxid qizi

ToshDShI XMI va M fakulteti yapon-ingliz guruhi
1 -kurs magistranti



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-4-9>

O'ZBEKISTON VA XITOIY SAVDO-IQTISODIY
ALOQALARI TAHLILI

Аннотация: Ushbu maqola O'zbekiston va Xitoy munosabatlarining o'ziga xos jihatlari asoslangan va O'zbekistonning xitoy bilan tashqi savdo aloqalari atroflicha yoritilgan.

Калит so'zlar: tashqi savdo, eksport, import, tashqi savdo aylanmasi, savdo balansi saldosi.

Муминова Мафтунa Зоҳид қизи

Магистрант 1 курса
Ташкентского государственного института востоковедения

АНАЛИЗ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ
МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КИТАЕМ

Аннотация: Данная статья основана на особенностях узбекско-китайских отношений и очерчивает внешнеторговые отношения между Узбекистаном и Китаем.

Ключевые слова: внешняя торговля, экспорт, импорт, внешнеторговый оборот, торговый баланс.

Muminova Maftuna Zoxid qizi

1-st year Master student of
Tashkent State Institute of Oriental Studies

ANALYSIS OF ECONOMIC TRADE BETWEEN
UZBEKISTAN AND CHINA

Annotation: This article is based on the peculiarities of relations between Uzbekistan and China, and covers issues related to Uzbekistan's foreign trade issues with China.

Key words: foreign trade, export, import, trade turnover, balance of trade balance.

For citation: Muminova Maftuna. O'ZBEKISTON VA XITOIY SAVDO-IQTISODIY ALOQALARI TAHLILI . Journal of innovations in the economy. 2018, 1 vol., issue 1, pp. 55-59

Kirish

Bugun jahonda globallashuv jarayoni kechayotgan bir vaqtda davlatlar oldida tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, fuqarolar turmush darajasini oshirish kabi masalalar asosiy o'rinda turibdi. Bu borada davlatlararo munosabatlarni yo'lga qo'yish, xalqaro maydonda munosib o'rin egallash har bir davlatning eng asosiy vazifalaridan biriga aylandi. O'zbekistonning rivojlanish yo'li sarhisob qilinar ekan, tashqi iqtisodiy siyosat va iqtisodiy diplomatik xizmatni shakllantirish borasida amalga oshirilgan keng ko'lami ishlarni ham alohida qayd qilish lozim.

Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, bugungi kunda O'zbekiston jahon hamjamiyatida o'zining munosib o'rni va mavqeiga ega. Biz dunyodagi barcha davlatlar bilan yaqindan hamkorlik qilish va amaliy muloqot uchun ochiqmiz[1].

Tarixdan ma'lumki, har bir mamlakat mustaqil rivojlanish yo'lini tanlashi bilan o'z jahon hamjamiyatiga qo'shilish orqali o'z maqsadlarini belgilab oldi. Mustaqil O'zbekiston ham istiqbolning dastlabki yillaridanoq xorijning bir qator davlatlari, AQSH, Germaniya, Fransiya, Italiya, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Xitoy, Janubiy Koreya va boshqa ko'plab rivojlangan mamlakatlar bilan o'zaro teng manfaatli aloqalar o'rnatdi.

O'zbekiston Respublikasining xorijiy davlatlar bilan iqtisodiy aloqalarida Xitoy alohida o'rin tutadi. Zero bu davlatning iqtisodiyoti o'zining mo'jizalari bilan jahon hamjamiyati tomonidan e'tirof etilgan. Bugungi kunga kelib, bu davlatning iqtisodiyoti jadal o'sib, jahondagi yetakchi mamlakatlar qatoridan o'rin oldi. Xitoy bilan hamkorlik O'zbekiston iqtisodining rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Darhaqiqat, dunyoning yetakchi davlatlaridan biri bo'lgan XXRning Markaziy Osiyodagi roli kun sayin oshib, o'zbek - xitoy munosabatlari tobora kengayib bormoqda. O'tgan davr mobaynida O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning Pekinga (1996, 2005, 2012-yillar), XXR davlat kengashi o'rinbosari Li Lansin (2001-yil aprel), XXR Raisi Si Szinpinning Markaziy Osiyo, xususan, 2013-yil 10-sentabr kuni O'zbekistonga amalga oshirilgan tashriflari buning yaqqol isbotidir. Birgina Xitoy Xalq Respublikasi Raisining tashrifi doirasida O'zbekiston bilan qiymati 15 milliard AQSH dollariga teng loyihalarni amalga oshirishga oid 31 ta hujjat imzolandi[2].

Xitoyda amalga oshirilayotgan muvaffaqiyatli iqtisodiy islohotlar, yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlari va doimiy ravishda ortib borayotgan iqtisodiy salohiyat O'zbekiston bilan Xitoy o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy aloqalarni kengaytirish imkoniyatlarini yaratmoqda. Xitoyni O'zbekistonning eng muhim va istiqbolli hamkorlaridan biri sifatida e'tirof etish mumkin[3]. Shu sababli ham ikki mamlakat o'rtasida savdo-iqtisodiy hamkorlikning turli yo'nalishlarini o'rganish hamda tadqiq etish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

O'rganilganlik darajasi. Mustaqillik yillarida respublikamiz olimlari va mutahassislari tomonidan Xitoy Xalq Respublikasi tarixiga, taraqqiyot yo'nalishlariga, O'zbekiston bilan Xitoy hamkorligiga taalluqli ko'plab ilmiy maqolalar, risola va monografiyalar chop qilindi.

Jumladan, Q.Usmonov[4], Sh.Shozomonov[5], A.Razzaqov[6], A.Boboyev[7], O.Fayziyev[8], O'.Mavlanov, D.Mahkamova[9], B.Ergashev[10], A.Samadov[11], A.Shermuhammedov[12] va boshqalarning ishlari misol bo'la oladi. Hozirgi kunda Xitoy Xalq Respublikasi bilan O'zbekiston o'rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy aloqalarni o'rganish respublikamiz olimlarining diqqat markazida turibdi. Ushbu mavzu yuzasidan respublikamiz hamda xorij olimlari tomonidan qator tadqiqotlar amalga oshirilgan, bir qator maqolalar e'lon qilingan. Xususan, mahalliy olimlarimiz tomonidan A.Sharapov, N.Sh.Ziyamov, K.B.Toshmatova, N.O.G'ofurov, D.D.Qurbonov,

A.K.Qirg`izboevlarning nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalari, O'zbekistonning Xitoy bilan iqtisodiy - ijtimoiy va madaniy aloqalari haqida to'xtalib o'tilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Ushbu mavzuni o'rganish hamda ilmiy maqola tayyorlash jarayonida induksiya, deduksiya, qiyosiy tahlil, statistik tahlil usullaridan samarali foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Mamlakatimizda ushbu mamlakat ishtirokida ko'plab qo'shma korxonalar faoliyat ko'rsatmoqdaki, ular iqtisodimizga yangi texnologiyalarni joriy etishda, aholini ish bilan ta'minlashda va zamon talablariga mos mahsulotlar ishlab chiqarishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Xususan, mamlakatimizda hozirga qadar Xitoy ishtirokida 700 dan ziyod qo'shma korxonalar bunyod etilgan. Ular asosan, savdo, to'qimachilik, yengil sanoat, kimyo va oziq-ovqat sanoati, avtomobilsozlik, mashinasozlik, metallni qayta ishlash, sayyohlik va boshqa sohalarda faoliyat ko'rsatmoqda[13].

1-jadval.

O'zbekiston Respublikasining tashqi savdosi, mln.doll.

	2015-y.		2016-y.		2017-y.	
		O'tgan yilga nisbatan foizda		O'tgan yilga nisbatan foizda		O'tgan yilga nisbatan foizda
Tashqi savdo aylanmasi	24924,2	90,5	24232,2	97,2	26983,2	111,4
Ekspart	12507,6	92,3	12094,6	96,7	13927,8	115,2
Import	12416,6	88,8	12137,6	97,8	13055,4	107,6
Savdo balansi saldosi	91,0		-43		872,4	

1-jadval orqali 2015-2017 yillar O'zbekistonning tashqi savdo aylanmasi qanday holatda bo'lganini ko'rishimiz mumkin. Mazkur davr mobaynida eksport va import o'zaro mutanosib ravishda sikillikka erishgan. Ya'ni 2015-yildan 2016-yilga kelib tashqi savdo aylanmasi qariyb 700 million AQSH dollariga kamaygan. Xususan eksport 400million AQSH dollariga kamaygan, import esa mos ravishda 280 million dollarlik farq yuzaga kelgan. Manfiy saldo 43 million AQSH dollarini tashkil qilgan. 2017 yilga kelib manfiy saldo yo'qqa chiqarilib 872 million AQSH dollarlik musbat saldog'a erishilgan. Shu yili eksportning hajmi importga qaraganda 7 foizga ko'proq bo'lib, 13,9 milliard dollorni tashkil qilgan. Tashqi savdo aylanmasi esa qariyb 27 milliard dollorni milliard dollorni tashkil qilgan. Bu esa o'tgan yilga nisbatan 12 foizga ko'proqdir[14].

2-jadval.

O'zbekistonning tashqi savdo bozorida mamlakatlarning ulushi (2017-yil).

O'zbekistonning eksport bozori		O'zbekistonning import bozori	
Xitoy	16,0 %	Xitoy	21,0 %
Rossiya	15,5 %	Rossiya	20,8 %
Qozog'iston	7,8 %	Janubiy Koreya	9,5 %
Turkiya	6,2 %	Qozog'iston	7,7 %
Afg'oniston	4,3	Turkiya	5,2 %

O'zbekistonning tashqi savdo bozorida Xitoy asosiy o'rinni egallagan bo'lib, eksport bozorida 16,0 foiz bilan 1-o'rinda va import bozorida esa 21,0 foiz bilan yetakchilik qilmoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, Xitoy O'zbekistonning strategik hamkoridir. O'zbekiston-Xitoy o'rtasidagi savdo aloqalarining taraqqiy etishida qadimda vujudga kelgan Buyuk Ipak yo'lining ham o'ri beqiyosdir. Hozirda ham Buyuk Ipak yo'li tizimi orqali ikki davlat o'zining savdo iqtisodiy aloqalarini olib bormoqda. Bu yo'l mazkur davlatlar uchun eng qulay yo'lakdir. (2-jadval) [14].

3-jadval.

O'zbekistonning Xitoy bilan tashqi savdo mahsulotlari[3].

O'zbekistonning eksport mahsulotlari	O'zbekistonning import mahsulotlari
<ul style="list-style-type: none"> - paxta tolasi; - voylok; - ipak; - to'qimachilik mahsulotlarini tayyorlash uchun zarur etuvchi materiallar; - xizmatlar; - mexanik asbob-uskunalar; - mebel; - kimyoviy tolalar; - gazlama; - paxta ip-kalava va boshqalar. 	<ul style="list-style-type: none"> - qora metallar va undan tayyorlanga mahsulotlar; - kofe; - choy va shirinliklar; - mexanik asbob-uskunalar va elektr; - poyabzal; - kiyim-kechak; - to'qimachilik va trikotaj; - trikotak polotnosi; - ruda; - organik kimyoviy birikmalar; - kimyoviy tolalar; - plastmassa va plastmassa mahsulotlari, xizmatlar; - noorganik kimyoviy mahsulotlar; - boshqa metallardan yasalgan mahsulotlar; - turli tayyor mahsulotlar va boshqalar.

4-jadval

O'zbekiston neft-gaz kompaniyasining xitoylik hamkorlar bilan olib borayotgan loyihalari.

Investor	Konlar	Kapital qo'yilmalar mln. doll	Faoliyat turi	Qo'shma korxonona
XMNGK (CNPC)	Ustyurt va Buxoro va Xiva hududlari	600,0	Geologiya qidiruv ishlari	"UzXMNGK"
	Arniyaz, Sardob, Umid, Ustyurt	47,3		
"Dungshen" (Dong Sheng)	Farog'ona vodiysi	113,0	Geologiya qidiruv ishlari	"UzDungshen"

O'zbekistonda Xitoy hukumatining foizsiz va uzoq muddatli kreditlar, Xitoy Eksimbanki kreditlari hisobidan ijtimoiy soha va inftruzilmani rivojlantirish bo'yicha ko'plab loyihalar amalga oshirilmoqda. Xitoy investrlari O'zbekistonda neft-gaz sohasida faol faoliyat yuritmoqdalar. Jumladan, Xitoy milliy neft-gaz korporatsiyasi (CNPC) Orol dengizi

акваторияси, Ustyurt, Buxoro, Xiv ava Farg'ona hududlarida geologiya qidiruv ishlarini olib bormoqda. (4-jadval)[3].

Bundan tashqari, O'zbekiston va Xitoy iqtisodiy hamkorlik aloqalari 2009-yilda Transsiyo gaz quvurining ishga tushirilishi muhim hodisa boldi. 7000 kilometr uzunlikdagi Turkmaniston-O'zbekiston - Qozog'iston - Xitoy gaz quvuri bu mamlakatlar o'rtasidagi uzoq muddatli, teng huquqli va o'zaro manfaatlar tamoyiliga asoslangan an'anaviy hamkorlik ramziga aylandi.

Xulosa

O'zbekiston va Xitoy o'rtasidagi hamkorlik aloqalari qadimiy tarixga ega. Xitoydan boshlangan Buyuk Ipak yoli O'zbekiston respublikasi orqali Yevropa mamlakatlariga o'tgan.

Xitoy O'zbekiston mustaqilligini birinchilardan bo'lib tan oldi va diplomatic munosabatlar o'rnatdi. Bu diplomatic aloqalar natijasidasavdo-iqtisodiy aloqalar yanada rivojlanmoqda. O'zbekiston bilan Xitoy o'rtasidagi aloqalarni yanada rivojlantirish imkoniyati mavjud. Qo'shma korxonalar sonini ko'paytirish va tovar ayirboshlash hajmini oshirish, tadbirkorlar o'rtasida tajriba almashish, bojxona to'lovlarini kamaytirish, madaniyat kunlarini ko'proq o'tkazish, oliy o'quv yurtlari o'rtasida hamkorlikni kengaytirish masalalariga e'tibor qaratish lozim.

O'zaro manfaatli hamkorlikni yanada rivojlantirish yo'lida mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanish kerak. O'zbekiston va Xitoy aloqalari ikki davlat uchun ham kata ahamiyatga ega. Shu boisdan bu aloqalarni yanada taraqqiy ettirish har ikkala mamlakat taraqqiyotiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'satadi.

References

1. Ш. М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2016. Б. 6.
2. Ш. И. Шамаманов. Ислохотлар даврида Хитой Халқ Республикаси. Тошкент-2014. Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. Б. 3.
3. A. V. Vahobov, D. A. Tadjibaeva, Sh. X. Xajibakiev Jahon iqtisodiyotivaxalqaro iqtisodiy munosabatlar. Toshkent-2015. B.192
4. Usmonov Q. O'zbekistonning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvi. Toshkent, ?Moliya?, 2003 y
5. Shozomonov Sh. Xitoy: siyosiy sohadagi islohotlar. Jamiyat va boshqaruv. 2003y. 3-son
6. Razzaqov A. Xitoy: rivojlanish odimlari. Ishonch, 1998y. 38-son
7. Boboyev A. O'zbekiston-Xitoy: yangi asrda yangicha hamkorlik. Turkiston. 2004y. 16 iyul
8. Fayziyev O. O'zbekiston-Xitoy hamkorlik istiqbollari. Halq so'zi. 1994 yil 24 oktyabr
9. Mavlanov O. Mahkamova D. O'zbekiston va Xitoy: qadimiy aloqalar. Jamiyat va boshqaruv. 2003y. 3 son
10. Ergashev B. O'zbekiston va Xitoy o'zaro manfaatli hamkorlikni mustahkamlamoqda. Halq so'zi. 2014y. 21-may
11. Samadov A. Tinchlikni mustahkamlash yo'lida hamkorlik. Halq so'zi. 2015y. 4 sentyabr.
12. Shermuhammedov A. Xitoydagi erkin iqtisodiy hududlar. Bozor, pul va kredit. 1997y.
13. <http://mvd.uz/kalendar/item/ozbekiston-xitoy-strategik-sheriklik-va-dostlik-munosabatlarni-yanada-rivojlantirish-yolida2>
14. <https://stat.uz/uz/statinfo/tashqi-iqtisodiy-faoliyat-va-savdo>.



ISSN 2181-9491
Doi Journal 10.26739/2181-9491

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В
ЭКОНОМИКЕ**

**JOURNAL OF INNOVATION IN
ECONOMICS**

№4 (2018)